Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 130 (20. 397) • 1989 йил 2 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

Москвада СССР халқ депутатлари съездининг 31 май эрталабки мажлисида СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев атоқли рус ёзувчиси Л. М. Леоновни съезд номидан 90 ёшга тўлганлиги билан табриклади.

Шундан сўнг депутат **Б. Н. Ельцин** сўзга чиқди. У съездда асосий масала ҳал қилинмоқда, жамиятимизнинг келажаги ана шу масалага боғлиқ, деди. Бу — ҳақли равишда халқнинг қонун чиқарувчи олий органи, яъни халқ депутатлари съезди тимсолида халққа тегишли бўлган ҳокимият тўғрисидаги масаладир. Съездга қадар давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг муҳим масалалари ҳал қилиб қўйилди, депутатларга эса ана шу ҳал қилинган масалалар учун овоз бериш таклиф этилди. Нотиқ мамлакатдаги аҳволни қисқача таърифлаб уни ғоят ташвишли деб баҳолади. Ваъда қилинган программа ҳамда ваъдалар тўрт йил ичида бажарилмади, деди у, одамлар олдингидан ҳам ёмонроқ яшайдиган бўлиб қолдилар.

Нотиқ бир қанча кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таклиф қилди. Энг аввало съездда жамиятнинг мақсадлари ва вазифаларини муҳокама қилиш, ана шу муҳокамани ҳисобга олиб комиссияларни тасдиқлаш, янги Конституция лойиҳасини тайёрлашга киришиш керак, деб ҳисоблайди у. Нотиқ халқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларига тўхталиб, ҳокимият ва экономикани қатъий равишда маҳаллийлаштиришни, буйруқбозлик-маъмурияти чилик системаси ҳозир жамиятнинг ўтмишга қайтиши хавфини солмоқда. Шунингдек, депутат партиянинг жамиятдаги роли ва ўрни тўғрисидаги масалани ҳал қилишни таклиф этди. Унинг фикрича, партия органлари қабул қиладиган қарорларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари доирасини белгилаб берадиган партия тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Унинг фикрича, партияни демократиялаш жараёнлари жамиятни демократиялаш суръатларидан орқада қолмоқда, омма орасида партиянинг обрўси тушиб кетмоқда. Унинг фикрига қараганда, КПССнинг навбатдан ташқари съезди аҳволни ўнглаб олиши мумкин, съездга бошланғич партия ташкилотларида номзодлар фосдан тўғридан-тўғри сайлов ўтказиш йўли билан бутун партиядан вакиллар юборилиши керак.

Нотиқ туб иқтисодий ислоҳотнинг конкрет муаммоларини ҳал қилишга: бошқарув органлари структурасини хўжалик ҳисоби принциплари асосида қайтадан ташкил этишга, сўмнинг қийматини барқарорлаштиришга, министрликларнинг сонини қисқартиришга ва бошқа баъзи масалаларга эътибор берди. Ҳозир планлар ва ўн иккинчи беш йилликнинг кўпинча хато нормативлари, деб таъкидлади у, иқтисодий ислоҳотнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Нотиқ яна бир йил йўқотмаслик, янги планлар ва нормативларни 1991 йилдан бошлаб эмас, балки 1990 йилдан бошлаб бир неча йилга белгилаб қўйиш, ҳозирги беш йилликни эса тўрт йил билан чеклаш бирдан-бир мақбул вариант бўлур эди, деб ҳисоблайди.

МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. М. С. Горбачев танаффусларнинг бирида депутатлар билан суҳбатлашмоқда.

ТАСС сурати.

Ислоҳот юришиб кетиши учун, деди нотиқ, ҳар бир республикага катта сиёсий ҳуқуқлар, шунингдек иқтисодий ва молиявий мустақиллик, хўжалик ҳисоби бериш, уларга территориал суверенитет бериш керак. Нотиқ социал программа тўғрисида гапириб, пенсиялар, қашшоқлик, экология тўғрисида, мулк формалари ҳақида дарҳол қонунлар қабул қилиш талаб этилаётганлигини айтди.

Юз берган шароитда, деди нотиқ, съезд энг аввало мамлакатни тангликдан чиқариш давлат программасини қабул қилиши лозим.

Пировардида Б. Н. Ельцин СССР Олий Совети Раисига ишонч билдириш масаласида ҳар йили референдум ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилишни таклиф этди.

Ҳозир Арманистонда неча ўн йиллардан бери йиғилиб келган муаммолар чигал тугун бўлиб турибди, деди депутат **С. Г. Арутюнян.** Нотиқ асосий диққат-эътиборни миллатлараро муносабатлар масаласига қаратди. Арманистон ССРдаги аҳвол мисли кўрилмаган табиий офат туфайли мураккаблашди. Ана шу фожиавий кунларда, деб эслатди нотиқ, биз СССР халқларининг қардошларча дўстлиги нечоғлик буюк зафар эканлигини ниҳоятда чуқур ҳис этдик.

Депутат республикадаги ва Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазиятни нормаллаштиришга ҳизмат қилиши керак бўлган бир қанча долзарб тадбирларни таклиф этди. У Автоном областни алоҳида бошқариш комитети тузилганлиги Тоғли Қорабоғ автоном областини тўғридан-тўғри марказга бўйсундирувчи мустақил бошқарув системага айланмади, деб таъкидлади. Шундай шароитда мазкур комитетнинг ваколатларини кенгайтириш, унга барча ҳаётий масалаларни мустақил ҳал этиш учун реал ҳуқуқлар бериш лозим. Депутат область органлари вазифаларини тиклаш лозимлиги, келажакда бу органларга тўла ҳокимият, марказга бўйсуниш ҳуқуқи ҳам берилиши керак, деган фикрни айтди. Республикани танг аҳволдан чиқаришни жадаллаштириш учун, деди у, ностандарт қарорлар талаб этилади, жумладан, депутатнинг фикрича, чет эл мамлакатлари билан янгича алоқаларнинг дастурини ишлаб чиқиш керак.

Депутат миллатлараро нифоқ ва ишончсизликни қўзғайдиган хатти-ҳаракатларни қилмасликка даъват этди, шу муносабат билан у баъзан озарбайжон ва арман халқларининг манфаатларини қарама-қарши қилиб қўяётган ҳаракатлар қилинаётганлигини таъкидлади, арман халқи вазиятни нормаллаштиришга, можароли вазиятни бартараф этишга интилаётгани ҳақида гапирди. Иккала республика, аввало, уларнинг партия органлари бегонасирашни бартараф этиш, ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини тиклаш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак, деб таъкидлади нотиқ.

Депутат **А. М. Ридигер** — рус православ черкови муқаддас синодининг аъзоси, Ленинград ва Новгород митрополити Алексий — дин арбоби биринчи марта мамлакатимизнинг шу қадар мўътабар минбаридан сўзга чиқаётганлигини таъкидлади. У доклад учун ҳамда танг аҳволдан чиқиш мақсадида таклиф этилган концепция учун М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдириб, православие динига мансуб барча кишилар ва мамлакатимиздаги барча диндорлар қайта қуришни жон-дилдан қўллаб-қувватлаш билан бирга, содир бўлаётган жараёнлар ўз орзу-умидларининг реал мужассам бўлиши ҳам, деб билмоқдалар.

Нотиқ жамиятни маънавий янгилаш муаммоларига тўхталди. У экономикамиз, ижтимоий ҳаётнинг кўп жиҳатлари мушкул аҳволга тушиб қолган экан, бунинг бош сабаби кимнингдир ғаламислиги, мутахассисларнинг хатоларигина эмас, балки жамиятга касри урган руҳий қашшоқлашишда ҳамдир. Ахлоқ-одоб, маънавий принциплар одамларга ажралиб кетиш, руҳий бегонасирашни бартараф этишга имкон беришда қудратли восита бўлиши ва шундай қилиб, уларни бахтли келажакни бунёд этиш учун жипслаштириши лозим. Митрополит Алексий халқ депутатларини умумий масалаларни биргаликда ҳал этиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этди. Диний уюшмалар, деди нотиқ, шу яқин орада виждон эркинлиги тўғрисида қонун қабул қилинишига умид боғлаб турибдилар, бу қонун мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирок этишда черковга кўпроқ имкониятлар беради.

Нотиқ ўзи «Тинчлик ва адолат» мавзуига бағишланган Умумевропа умумхристиан экумения ассамблеясида қатнашганлигини айтди, бу анжуман яқинда Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлган эди. Қитъадаги барча христиан черковларининг намояндалари бугун инсоният олдида турган барча муаммоларга дахлдор бўлган умумлаштирувчи ҳужжатда шу анжуман ғояларини баён этиб бериш керак, деган якдил қарорга келдилар.

Митрополит Алексий мазкур ассамблея материалларини СССР Олий Совети Раисига топширди.

Бугун қайта қуришнинг революцион руҳини сезиб туриб, мамлакат тақдири учун шахсий жавобгарликни ўткир ҳис этасан киши, деди депутат **В. И. Бакулин.** Ушбу съездни митингбозлик нутқларига, бўтқа қилиш, саросималик ва нифоқ солиш, депутатларни ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалаларини муҳокама этишдан чалғитиш йўлидаги уринишларга айлантириб юбориш мумкин эмас, деб ҳисоблаб келдим ва шундай деб ҳисоблайман, деди у. Депутатларнинг бир қисми сиёсий ҳокимият учун ошкора кураш олиб бораётганлиги, бунда турли усуллардан, ҳатто ҳақоратлардан, дўқ-пўписалардан, ёрлиқлар ёпиштиришдан фойдаланаётганлиги сайловчиларимни, айниқса ташвишлантирмоқда, деб таъкидлади нотиқ.

Нутқлари ва хатти-ҳаракатлари КПССнинг, мамлакатда содир бўлаётган қайта қуриш жараёнларининг роли ҳамда аҳамиятини пасайтиришга қаратилган депутатларнинг кайфиятлари, партия билан халқ ўртасига нифоқ солиш йўлидаги уринишлари, партиянинг оддий аъзоси сифатида мени ташвишлантирмоқда, деб таъкидлади депутат. Афтидан бу одамларнинг олисни кўзловчи ўз режалари бўлса керак. У съездда партия ходимлари лом-мим демай, партияга қилинаётган ошкора экстремистик ҳуружларга зарба бермаётганликлари муносабати билан ажабланаётганлигини билдирди. Нотиқнинг фикрича, коммунистлар мунозаралардан четга чиқмасликлари, ундан бўйин товламасликлари керак.

М. С. Горбачев докладининг қоидаларини қўллаб-қувватлаб, депутат барча қийинчиликларга қарамай, қайта қуриш ижобий нати-

(Давоми 2-бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ «СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ

РЕДАКЦИОН КОМИССИЯ

КОМИССИЯ РАИСИ

Медведев Вадим Андреевич — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абалкин Леонид Иванович — СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори, Москва шаҳри.

Адамович Александр Михайлович — Бутуниттифоқ кино санъати илмий-тадқиқот институтининг директори, Москва шаҳри.

Айтматов Чингиз — ёзувчи, Қирғизистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

Алескерова Рухи Мурсал қизи — Озарбайжон ССР Исмаилли райони халқ депутатлари Лагич поселка Совети ижроия комитетининг раиси.

Аюбов Нажмиддин — Тожикистон ССР Ҳисор районидаги Фрунзе номли колхозлараро комплекс директори.

Бозорова Роза Отамуродовна — Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Боровков Вячеслав Александрович — «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, Ленинград шаҳри.

Бунич Павел Григорьевич — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, С. Оржоникидзе номли Москва бошқарув институтининг кафедра мудири, Москва шаҳри.

Васильев Иван Афанасьевич — ёзувчи, Псков области.

Венгловская Ванда Сергеевна — Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллиги номли Житомир зиғир толаси комбинатининг тўқувчиси, Украина ССР.

Вольский Аркадий Иванович — Тоғли Қорабоғ автоном области алоҳида бошқарув комитетининг раиси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Восканян Грант Мушегович — Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Гаврилов Андрей Петрович — «Вечерняя Казань» газетасининг редактори, Татаристон АССР.

Горбунов Анатолий Валерьянович — Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Гроссу Семён Кузьмич — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Дудко Тамара Николаевна — халқ депутатлари Партизан район Совети ижроия комитетининг раиси, Белоруссия ССР, Минск шаҳри.

Ельцин Борис Николаевич — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Москва шаҳри.

Зайков Лев Николаевич — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Иброҳимов Мирзаолим Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Иванс Дайнис Эвалдович — Латвия халқ фронтининг раиси.

Қайипберганов Тулепберган — Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

Қақажиков Чори — Туркманистон ССР, Ашхобод районидаги «ТССР 40 йиллиги» колхозининг бригадири.

Колесников Владимир Иванович — Ростов темирйўл транспорти инженерлари институтининг кафедра мудири.

Концелидзе Марина Ризаевна — Грузия ССР, Кобулетти райони Хала қишлоғидаги колхоз цитрускори.

Крюченкова Надежда Александровна — Тамбов областидаги 2-Инжавино ўрта мактабининг муаллимаси.

Кубилюс Ионас Пятрович — Литва ССР Вильнюс давлат университетининг ректори.

Кудрявцев Владимир Николаевич — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, Москва шаҳри.

Кузубов Владимир Федорович — «С. Оржоникидзе» районидаги Горький авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг бошлиғи, Горький шаҳри.

Лавров Кирилл Юрьевич — Горький номидаги Ленинград академик катта драма театрининг артисти, СССР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси.

Лаптев Иван Дмитриевич — «Известия Советов народних депутатов СССР» газетасининг бош редактори, Москва шаҳри.

Лауристин Марью Йоханнесовна — Эстония ССР Тарту давлат университетининг кафедра мудири.

Лихачев Дмитрий Сергеевич — академик, СССР Фанлар академияси рус адабиёти институти секторининг мудири, Совет маданият фонди правлениесининг раиси, Ленинград шаҳри.

Лукьянов Анатолий Иванович — СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Мазуров Кирилл Трофимович — Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси, Москва шаҳри.

Марчук Гурий Иванович — СССР Фанлар академиясининг президенти, Москва шаҳри.

Масол Виталий Андреевич — Украина ССР Министрлар Советининг Раиси.

Матюха Вячеслав Николаевич — Тюмень область «Мамонтовнефтепромстрой» трестига қарашли 36-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Медведев Рой Александрович — ёзувчи, Москва шаҳри.

Мелехин Сергей Тихонович — Свердловск области Нижний Тагил металлургия комбинати йирик сортли цех станининг оператори.

Минин Виктор Михайлович — Ҳолшчевики поселкасидаги Глебов паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехининг бошлиғи, Москва области, Истра райони.

Моисеев Михаил Алексеевич — СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Москва шаҳри.

Назарбаев Нурсултон Абишевич — Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси.

Нечаев Константин Владимирович — Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирим, Москва патриархати нашриёт бўлимининг раиси, Москва шаҳри.

Нечетная Надежда Петровна — Брянск областидаги Ленин номли фабрика ип йигирувчиси.

Паллаев Ғойибназар — Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Пивоваров Николай Дмитриевич — халқ депутатлари Ростов область Совети ижроия комитетининг раиси.

Платон Семён Иванович — Молдавия ССР халқ депутатлари Кагул шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Попов Гавриил Харитонович — «Вопроси экономики» журналининг бош редактори, Москва шаҳри.

Примаков Евгений Максимович — СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори, Москва шаҳри.

Пупкевич Тадеуш Карлович — «Эстонсланец» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Нарва» разрезининг одимловчи экскаватори машинисти, Эстония ССР Силламяэ шаҳри.

Разумовский Георгий Петрович — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Раҳимов Муртазо Губайдуллович — Уфадаги «КПСС XXII съезди» нефтни қайта ишлаш заводининг директори, Бошқирдистон АССР.

Рижков Николай Иванович — СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Собирова Назира — Ўзбекистон ССР, Хоразм область Гурлан районидаги «Янгиобод» совхозининг бригадири.

Сбитнев Анатолий Митрофанович — Ворошиловград областидаги Коммунар металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси.

Соколов Ефрем Евсеевич — Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Стародубцев Василий Александрович — Тула область, Новомосковский районидаги Ленин номли колхоз-наслчилик заводининг раиси.

Стоумова Галина Ивановна — Ленинград областидаги «Гатчинский» совхозининг цех бошлиғи.

Ступина Екатерина Давидовна — Омск область Таврическое районидаги район касалхонасининг болалар врачи.

Сулаймонов Ўлжас Омарович — ёзувчи, Қозоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

Терешкова Валентина Владимировна — Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари уюшмаси Президиумининг раиси, Москва шаҳри.

Трефилов Виктор Иванович — Украина ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Украина ССР Фанлар академияси материалшунослик муаммолари институтининг директори.

Хачатрян Вилеша Хачатурович — Зангезур мис-молибден комбинатининг автомобиль ҳайдовчиси, Арманистон ССР.

Энгвер Николай Николаевич — СССР Фанлар академияси Урал бўлими физика-техника институтининг етакчи илмий ходими, Ижевск шаҳри.

Юсупов Адамали Қўшоқович — Қирғизистон ССР, «Қизилқия» кон бошқармасига қарашли Ленин комсомоли номли шахта тозалаш забойи кон ишчиларининг звено бошлиғи.

Яковлев Александр Николаевич — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Яненко Аркадий Петрович — Новосибирск қурилиш инженерлари институтининг ректори.

ТБИЛИСИ ШАҲРИДА 1989 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛГАН ВОҚЕАЛАРГА АЛОҚАДОР ТАФСИЛОТЛАРНИ ТЕКШИРИШ

КОМИССИЯСИ

Аасмяэ Хардо Юлович — «Эстлегпром» бирлашмаси «Майнор» лойиҳа-конструкторлик бюроси секторининг мудири, Таллинн шаҳри.

Андронати Сергей Андреевич — Украина ССР Фанлар академияси А. В. Богатский номидаги физика-химия институтининг директори, Одесса шаҳри.

Бехтерева Наталья Петровна — СССР Фанлар академияси экспериментал медицина илмий-тадқиқот институтининг директори, Ленинград шаҳри.

Боровик Генрих Авиэзерович — Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси, Москва шаҳри.

Газенко Олег Георгиевич — академик, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги медицина-биология муаммолари институти дирекцияси ҳузуридаги маслаҳатчи, Москва шаҳри.

Васильев Борис Львович — кинодраматург, Москва шаҳри.

Голяков Александр Иванович — Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Москва шаҳри.

Говоров Владимир Леонидович — СССР мудофаа министрининг ўринбосари — граждан мудофааси бошлиғи, Москва шаҳри.

Лихачев Дмитрий Сергеевич — СССР Фанлар академияси рус тили институти секторининг мудири, Ленинград шаҳри.

Лукин Владимир Петрович — В. В. Куйбишев номли Коломен тепловозсозлик заводининг газ ёрдамида металл қирқувчиси, Москва области.

Мартиросян Вилен Арутюнович — ҳарбий қисм командири, Ровно области.

Мирошник Виктор Михайлович — Қозоғистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси, Москва шаҳри.

Назарбаев Нурсултон Абишевич — Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси.

Нечаев Константин Владимирович — Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирим, Москва шаҳри.

Ожиев Ризоали Қадамшоевич — «Интернационалист» кооператив бирлашмаси раисининг ўринбосари, Душанбе шаҳри.

Сагдеев Роальд Зиннурович — СССР Фанлар академияси космик тадқиқотлар институти - аналитик тадқиқотлар илмий-методик марказининг раҳбари, Москва шаҳри.

Собчак Анатолий Александрович — Ленинград давлат университети юридик факультетининг кафедра мудири.

Станкевич Сергей Борисович — СССР Фанлар академияси умумий тарих институтининг катта илмий ходими, Москва шаҳри.

Толпежников Вилен Федорович — Н. Бурденко номидаги тез медицина ёрдами биринчи Рига шаҳар касалхонаси кабинетининг мудири.

Томкус Витас Пятрович — журналист, Вильнюс шаҳри.

Федотова Валентина Ивановна — «Советская женщина» журналининг бош редактори, Москва шаҳри.

Шенгелая Эльдар Николаевич — Грузия Кинематографчилари союзининг раиси, Тбилиси шаҳри.

Шетько Павел Вадимович — Белоруссия ЛКСМ Минск область комитети пропаганда бўлимининг лектори.

Яковлев Александр Максимович — СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институти секторининг мудири, Москва шаҳри.

М. С. ГОРБАЧЕВ ЁЗУВЧИ Л. М. ЛЕОНОВ БИЛАН УЧРАШДИ

31 май, Л. М. Леонов туғилган куннинг 90 йиллиги кунида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев атоқли рус ёзувчиси ҳузурига, унинг Москвадаги квартирасига борди. У Леонид Максимовични юбилей билан самимий табриклади ва унга қизил гулдаста топширди.

М. С. Горбачев билан Л. М. Леонов дўстона суҳбатлашдилар, суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. Н. Верченко қатнашдилар.

(ТАСС).

Депутат Р. Н. НИШОНОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳри

(ЛЕНИНГРАД МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР).

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Бизнинг съездимизни Совет Иттифоқи халқлари съезди деб бемалол айтиш мумкин. Унинг ишида амалда бутун мамлакат, барча совет кишилари қатнашмоқдалар. Съезд ўз зиммасидаги тарихий ролни бажаришига — социализмнинг бундан буёнги демократик ўзгаришларига янги омил бағишлашига, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Муаммоларимиз эса ошиб-тошиб ётибди. Ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладида қайта қуришнинг бориши, уни амалга ошириш йўлидаги силжишлар, нуқсонлар, ғовлар ва биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида анча батафсил айтилган.

Азиз ўртоқлар, биз ҳаммамиз қайта қуриш йўлида муқаррар қадамлар қўйилганлигини кўриб турибмиз. Жамиятни турғунликдан ҳаракатга келтиришга, догматизмдан реализм сари қадам қўйишга, ижтимоий ривожланишга нисбатан ленинча ёндашувларни, ленинча қарашларни қайтадан тиклашга муваффақ бўлинди. Халқ қайта қуришдан реал самаралар

(Давоми 2-бетда).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жа бераётганлигини таъкидлади: демократия ва ошкоралик тобора кучаймоқда, одамларнинг ташаббуси кўпроқ намоён бўлмоқда, саноат олга силжимоқда, жуда секинлик билан бўлса-да, қишлоқ хўжалигидаги ишлар яхшиланмоқда. Бу эса партия танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонч билдиради. Сўнгра нотиқ меҳнаткашларнинг манфаатларини белгилаб берувчи социал-иқтисодий сиёсатнинг бир қанча асосий муаммолари хусусида ўз баҳоларини баён этди. У, жумладан, хўжалик программаларини вазминлик билан ва мутаносиб равишда ишлаб чиқиш, аҳолини товарлар билан тезроқ таъминлаш, қурилиш индустриясининг моддий-техника базасини ривожлантириш зарурлигини айтди ҳамда етакчи иқтисодчи олимларни мунозаралардан экономикамизни даволашнинг аниқ-равшан йўлларини ишлаб чиқишга тезроқ ўтишга чақирди.

Депутат **В. В. Казарезов** регионал хўжалиқ ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш ғоясини қўллаб-қувватлади. Буни иттифоқдош республикалар даражасида қандай тасаввур этиш менга тушунарли, деди у. Хўш, Россия ўлкалари ва областларида қандай бўлади? Урал, Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ, Марказ ва шу каби регионлар бўгинига ўтиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим бўлур эди. Эҳтимол, бундай регионларга иқтисодий жиҳатдан иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини беришда маъно бордир.

Сибирнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш КПСС стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир, деб давом қилди нотиқ. Аммо бу стратегия қониқарсиз рўёбга чиқарилмоқда. Асосий гап шундаки, Сибирь районларини жадал ўзлаштиришга омил бағишловчи механизм яратилмаган. Шу муносабат билан нотиқ ўтган асрнинг охирларги ва шу асрнинг бошларида мамлакат марказидан, Украинадан, Белоруссиядан, бошқа регионлардан Сибирга одамлар кўплаб, зўрлиқ билан эмас, балки ихтиёрий равишда кўчирилганлигини эслатиб ўтди. Ҳозирги пайтда асоссиз равишда унутиб қўйилган Россиянинг давлат арбоби Столипин ана шундай кўчишни таъминлаган ислоҳот сарчашмасида турган экан, бусиз Сибирь ҳозирги тараққиёт даражасига эриша олмаган бўлур эди. Сибирнинг жуда кучли потенциалидан халқ бахт-саодати йўлида яна ҳам фаолроқ фойдаланишда Ватанимизга имкон берадиган шунга ўхшаш бироқ нарсани таклиф эта оладиган ҳозирги давлат арбоблари қаерда, деб савол берди депутат.

Нотиқ кўп стимуллар тўғрисида гапириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аммо энг муҳими сибирликларнинг анча юқори турмуш даражасигина янги кучлар келиб қўшилишини таъминлаши мумкин ва туб аҳолининг мамлакат ғарбий районларига кетиб қолишини тўхтатади. Ҳозирча эса Сибирда муҳим неъматларни истеъмол қилиш ва хизматлардан фойдаланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичларига етмаяпти.

Депутат ўз нутқини сибирликлар учун минтақа коэффициентини ошириш тўғрисида қўйилган масала деб баҳолашни сўради. Нотиқнинг фикрича, Сибирь районларидаги аҳолининг турмуш даражасини устун равишда юксалтириш социал адолат принципларига мос келибгина қолмай, шу билан бирга энг муҳим умуминтифоқ иқтисодий программаларни амалга оширишнинг зарур шарти ҳам бўлади.

Ҳисоб комиссиясининг раиси депутат **Ю. А. Осипьян** Тоғли Қорабоғ автоном областидан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайловнинг якунларини маълум қилди. Икки депутат — **В. Д. Жаъфаров** ва **Г. А. Погосян** сайландилар.

Съезд Тоғли Қорабоғ автоном области бўйича овоз бериш натижаларини тасдиқлади.

Сўнгра съезд Тоғли Қорабоғ автоном области бўйича сайловни ҳисобга олиб ҳамда депутат **А. И. Казанник**нинг ўз номзодини қайтариб олиш ҳақидаги илтимосини қондириш ва депутат **Б. Н. Ельцин**ни шу палатага сайлаш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорни эътиборга олиб Миллатлар Советига сайлов юзасидан ҳисоб комиссиясининг протоколини узил-кесил тасдиқлади.

Президиумнинг таклифига биноан аграр соҳа депутатларининг съездда ўқиб эшиттирилган мурожаатномаси депутатларга тарқатилади. Съезд СССР Олий Советига ва унинг тегишли комиссияларига, СССР Министрлар Советига шу ҳужжатни кўриб чиқишни ҳамда шу йилнинг кузида СССР халқ депутатларининг навбатдаги съездига расмий равишда таклифлар киритишни топширди.

* * *

Кечқурунги мажлисда СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Тубдан капитал ремонт талаб қилинаётганда фақат пештоқни бўяш билангина шуғулланиш ярамайди. Депутат **А. М. К. Бразаускас** нутқининг асосий мазмуни мана шундай эди. Жуда келган ижтимоий-сиёсий вазият баъзи қадриятларни қайта кўриб чиқишни, социалистик давлат, мулк, суверенитет, иттифоқ каби сиёсий категорияларнинг мазмунига янгича қарашларни талаб этмоқда, деб ҳисоблайди Литва Компартиясининг раҳбари.

Аммо нотиқ ҳозир мамлакатдаги оғир аҳволни қайта қуриш натижалари билангина боғламайди, ваҳоланки бу хусусда кўпинча айбларни эшитиш мумкин. Бундай аҳвол бизнинг бутун мураккаб ва фожиали тарихимизнинг, социализм идеаларига мос сиёсий ва иқтисодий системани барпо этиш йўлидаги мушкул изланишларнинг якунидир.

Депутат СССР Олий Совети Раисининг съезддаги докладида, делегатларнинг нутқларида ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларида баён этилган туб программаларнинг тўла-тўкис рўёбга чиқаришни йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг принципиал йўли деб билади.

Унинг фикрича, СССРда ҳаддан ташқари марказлашиш сабабли миллий муносабатлар соҳасида марказ билан республикалар ўртасида, тармоқ манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келди. Уларни ҳуқуқий жамият барпо этиш негизи сифатида суверен халқларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Нутқнинг анчагина қисми иттифоқдош республикалар суверенитети муаммоларига, Литвада қабул қилинган кейинги қонун лойиҳаларини тақдим этиш ташаббусларига бағишланди. Литванинг партия раҳбари республикаларнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллиги тўғрисида, иттифоқ идораларининг унификацияга интилиши ҳақида гапириб, ҳаётий муҳим қарорларни қабул қилишда беқарорлик, сусткашлик, маҳфийлик хусусида таассуф билдирди. У мана шу фикрни аниқ мисоллар билан шарҳлади.

Депутат урушдан аввалги тарих билан, жумладан Литва ССРнинг ташкил этилиши билан боғлиқ баъзи тарихий масалаларга аниқлик киритишни таклиф этди. У иттифоқдош республикалар СССРнинг ташқи сиёсатини шакллантиришда кенгроқ иштирок этишлари керак, деган фикрни ҳам билдирди.

Депутат **Ю. П. Власов** пойтахтдаги Люблино районининг жиддий социал ва экологик муаммоларини таҳлил қилди. Одамлар яхши турмуш бўлиши тўғрисидаги ваъдалардан жуда тўйишган, улар ўзгаришлар бўлишини қатъий талаб қилмоқдалар, деб таъкидлади нотиқ. Халқ ҳозирча ишонмоқда, у кўп нарсани истаётгани йўқ, фақат у билан инсонларча муносабатда бўлишларини хоҳлайди.

Мен Москва группасининг ишида қатнашганим йўқ, аммо унинг позициясини қўллаб-қувватлайман ва бу билан фахрланаман, деди депутат. У «Время» телепрограммасида съезд ишининг ёритилишини танқид қилиб, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раиси ва «Известия» газетасининг бош редактори лавозимларига ходимларни тайинлашни СССР халқ депутатлари съезднинг алоҳида ҳуқуқи қилиб қўйишни таклиф этди.

Тбилисидаги воқеалар тўғрисидаги масалани ҳозирча кўтармасликка қарор қилинди, деб уқтирди нотиқ. Лекин одамлардан ўч олиш тўғрисидаги буйруқни ким берганлигини нима учун мансабдор шахслардан биронтаси ҳам айтгани йўқ. Нотиқ халқдан ҳақиқатни яширганлиги учун давлат бошлиғини ваколатлардан маҳрум этиш тўғрисидаги моддани СССР Конституциясига киритишни таклиф қилди. Бунинг келажак учун аҳамияти бор, деб ҳисоблайди депутат: давлат бошлиғи ким билан — шахслар корпорацияси биланми ёки халқ биланми экانлиги аниқланиши лозим.

Партия ва ҳукуматнинг ҳозирги раҳбарларидан ғоят катта кўпчилиги, деб сўзида давом қилди нотиқ, Брежнев даврида ҳам анча юқори лавозимларда эдилар, ҳозир ҳамма нарса ўша даврга ағдарилмоқда. Лекин биз қайта қуриш бошлангандан буён ҳозирдаёқ 4 йил олга силжидик, зотан, мамлакатнинг бугунги барча муаммолари — ҳозирги раҳбарият фаолиятининг бевосита натижасидир. Бутун дунёда ишларнинг аҳволи шундайлиги учун айбдор бўлган шахслар коллектив равишда истеъфога чиқишади. Биз ҳукуматга нисбатан талабчанликни ўрганишимиз керак.

Депутат давлат хавфсизлиги комитетини аппаратнинг энг қудратли қуроли деб атаб, унинг жамиятдаги ролини қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. У Давлат статистика комитетининг ишидан қониқмаётганлигини билдириб, экономикадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини аниқлаш учун комиссия тузишни таклиф этди. СССР халқ депутатларини беш йилда бир марта эмас, балки уч йилда бир марта сайлаш ҳам таклиф қилинди.

Биз ривожланишнинг қалтис нуқтасидамиз, деб таъкидлади нотиқ. Тбилисида куч ишлатилганлиги хусусида залда кечаги қарсакбозликлардан кейин депутатлар фикрларининг ҳар хил бўлиши муқаррардир, чунки бу ҳаёт асосларининг ўзини англашдаги тафовутдир, деди у.

Сайловчилар бизларнинг долзарб масалаларга оқилона ёндашувимизни кутмоқдалар, деди депутат **А. М. Масалиев**. Бу борада ҳиссиётларга берилиш, митинглар ўтказиш, кескин нутқлар билан ишни тузатиб бўлмайди. Амалий ҳаракатлар зарур.

Бутун ҳокимият Советларга ўтиши муносабати билан деб давом этди нотиқ, табиийки, СССР Олий Совети ҳамда унинг доимий органларининг роли ва масъулияти ошади. Нотиқ Олий Совет, халқ депутатлари съездлари ишининг характери ва муддати хусусида бир қанча фикр-мулоҳазалар айтди. Унинг фикрича, доимий комиссиялар ва комитетлар қанча зарур бўлса, шунча ишлаши керак, аммо бир йилда иккита сессия ва иккита съезд ўтказиш кўплик қилади. Нотиқ депутатларнинг таклифларини ҳисобга олишнинг ишончли механизмини вужудга келтириш ва бунинг учун Олий Советнинг, эҳтимол, съезднинг ҳам махсус комиссиясини тузишни зарур деб ҳисоблайди.

Депутат миллатлараро муносабатларга батафсил тўхталди. Маълумки, партия Марказий Комитетининг ташаббуси билан ва барча регионларнинг фаол иштирокида жамиятни жипслаштиришга, республикаларнинг суверенитети ва мустақиллигини кенгайтиришга қаратилган амалий ёндашувлар қидириб топилмоқда. Биринчи навбатда республикалар билан марказ ўртасида, шунингдек иттифоқдош республикалар ўртасида экономика соҳасидаги ўзаро муносабатларни адолатли асосда тартибга солиш зарур. Биз қатъий аминмизки, деди нотиқ, республикаларнинг яккаланиш йўли билан эмас, балки уларнинг мустақиллиги ва умумдавлат манфаатларини узвий боғлаш орқали миллатлар ва элатлар янада тараққиётга эришади. Биз кўп миллатли Советлар мамлакати жипслигининг сақлаб қолиниши учун авлодлар олдида ғоят масъулиятли экانлигимизни ёдда тутишимиз зарур.

Депутат иштимоий турмушни демократиялашни табриклай, айни вақтда онглиликим, интизомни мустаҳкамлаш, миллатчилик кайфиятларини авж олдириб, Совет давлати, Коммунистик партия обрў-эътиборига, унинг сиёсатига, идеологиясига қасддан путур етказаётган экстремист унсурларга зарба бериш зарурлигига эътиборни қаратди.

Нотиқ мамлакатнинг бунёдкорлик кучларини амалий ғоялар асосида бирлаштириш зарурлигини ёқлаб чиқди.

Депутат **П. Г. Букич** тўрт йил давомида мамлакат турмушининг турли соҳаларида қайта қуришни амалга оширишда учраётган ижобий ва салбий жараёнларни таҳлил этиб, ошкоралик ва ташқи сиёсат соҳасида ғоят юксак ютуқларга эришилган бўлса, экономикада эса силжишлар унчалик сезиларли бўлмаганлигини айтди. Депутатнинг фикрича, бу борада силжишга тўсқинлик қилаётган асосий сабаб шундан иборатки, ҳар бир кишининг иқтисодий манфаати қайта қуриш жараёни билан боғланмади.

Бунинг учун чала-чулпа тадбирлар эмас, балки туб чораларни амалга ошириш зарур. Нотиқ Молия министрлиги ва Давлат нархлар комитети сингари етакчи иқтисодий идоралар мамлакатга ана шундай чала-чулпа тадбирларни таклиф этмоқда, деб ҳисоблайди. Депутат, жумладан ана шу идоралар фаолиятининг оқибатларини батафсил таҳлил этди ва улар айниқса тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш, корхоналарнинг мустақиллиги, экономикада ижара муносабатларини жорий этиш соҳасида туб иқтисодий ислоҳот рўёбга чиқарилишига амалда тўсқинлик қилмоқдалар, деди. У ана шу идораларнинг туб иқтисодий ислоҳотга ўтиш даврини «яна бир ярим йил узайтириш» муддаосини ҳукумат маъқуллашига асло йўл қўйиб бўлмаслигини айтди.

Депутат сўнгра давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун ҳали амал қилмаётган вазиятнинг хусусиятларини таҳлил этиб, Қонун ҳали айрим кишиларнинг манфаатларини ҳисобга олмаётганлиги асосий сабаб эканлигини айтди. Унинг фикрича, вужудга келган вазиятдан қутилишнинг бирдан-бир йўли шундан иборатки, давлат корхонаси ва кооперация тўғрисидаги ягона Қонун зарур, бунда у бирмунча ҳаётий қобилиятга эга бўлган кооперация тўғрисидаги Қонунга асосланиши керак.

Депутат **Қ. Маҳкамов** ўз нутқининг катта қисмини совет федерациясини ривожлантириш муаммоларига бағишлади. У «кучли марказ — кучли республикалар» деган тезисни қўллаб-қувватлаб, уни амалга ошириш тўғрисидаги бир қанча фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Мазкур масала юзасидан музокараларда, деди нотиқ, «хом ашё республикалари» деб аталмиш республикалар территориал хўжалик ҳисоби принциплари жорий этилишига сукут сақлаб қаршилик қилмоқдалар, деган фикр аниқ сезилиб турибди. Бу тўбдан нотўғри фикрдир, деди депутат.

Унинг фикрича, республикаларнинг ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзиниўзи бошқариш концепциясини амалга ошириш учун учта шарт зарур. Улгуржи ва харид нархларини албатта ислоҳ қилиш; фақат бутун мамлакат доирасида хўжалик ҳисоби принципларига ўтиш; давлат федерацияси системасида территориялар ўртасида хўжалик соҳасида ўзаро муносабатлар тўғрисидаги Қонун тарзида ҳуқуқий негизлар яратиш шулар жумласидандир. Мана шу масалаларни ҳал этмай туриб, деди депутат, биз белгиланган мақсадларга эришишимиз амри маҳол.

Нотиқ Тожикистон учун ҳам ўткир бўлиб турган экология муаммоларига тўхталиб, жумладан кичик-кичик гидроэлектростанциялар қуришни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида гапирди. У КПССнинг XXVII съездида ҳам мана шу масалани ўртага қўйганлигини эслатиб ўтди. Бироқ муаммо жойидан силжимади. Эҳтимол, бу улкан иншоотлар қуришга берилиб кетишимиз ва идоравий тазйиқ ўтказиш оқибатидир, деб ҳисоблайди депутат. Унинг фикрича, мазкур масала умумдавлат даражасида ҳал этилиши лозим.

Нутқда моддий-техника таъминоти муаммолари батафсил таҳлил этиб берилди. Жумладан, маълум вақт ресурсларни қатъий марказлаштирилган тарзда тақсимлашга ўтиш тўғрисида таклиф айтилди.

Нотиқ мамлакатда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш йўллари тўғрисида бир қанча фикрларни баён қилди ҳамда бу муҳим комплекс масалаларни вазминлик ва хайрихоҳлик руҳида ҳал қилишга даъват этди. У қайта қуришнинг ҳаракатга келтирувчи асосий кучи сифатида партиянинг ролига юксак баҳо берди.

Кўпгина долзарб муаммолар орасида энг муҳим бир муаммо бор бўлиб, у ҳам бўлса экономикамизнинг танг ҳолатдалигидир, деди депутат **И. Х. Тооме**. Туб ўзгартишлар талаб этилади. Ҳукумат ва иттифоқ Госпланидан ҳар бир республика, область, ўлка учун бундай аҳволдан қутилиш йўлини ишлаб чиқишни ва ҳал этишни талаб қилиш оқилона бўлмас эди. Ўзимиз бу ишга киришимиз ва шу билан ўз зиммамизга масъулиятни олишимиз керак.

Депутат Эстония ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси якунлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашди. У сессиянинг баъзи сиёсий қарорлари, жумладан 1939 йилда Гитлер билан Сталин ўртасидаги аҳдлашувлар қораланганлиги тўғрисида гапирди. Нутқда республика экономикасини турғунликдан олиб чиқиш йўллари тўғрисидаги масала алоҳида ажратиб кўрсатилди. Эстониялик ўртоқлар регионал хўжалик ҳисобини, ўз халқи олдидаги, бутун мамлакат олдидаги тўла масъулиятни узвий боғлаган тарзда республиканинг иқтисодий суверенитетини ана шундай йўл деб билмоқдалар.

Депутат СССР Министрлар Советининг СССР халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштиришга оид сўнгги тадбирларини танқид қилди. У иттифоқ министрликлари ва идоралари миқдорини камайтириш ғоясига ижобий муносабат билдириб, унинг фикрича, марказлаштирилган бошқарувни сақлаб қолиш ва ҳатто мустаҳкамлаш, тармоқ принципини кучайтириш муддаосига эътиборни қаратди. Мавжуд ўта марказлаштирилган хўжалик механизмининг имкониятлари тугади. Бундай механизмни қанчалик далил-исботлар билан сақлаб қолишга ҳар қандай уринишлар мамлакатдаги, шунингдек унинг регионларидаги иқтисодий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиришгачи олиб келади, деб огоҳлантирди нотиқ.

Депутат экономикани тубдан қайта қуриш фақат бошқарувни мўҳаллийлаштириш принципларига, республикаларнинг суверенитети, регионларнинг ўзини ўзи бошқариши ва ўзини ўзи пул билан таъминлашига асосланиши мумкинлигини айтиб, Эстония ССРнинг хўжалик ҳисоби концепцияси тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчи редакцион комиссия составига оид таклиф учун сўз депутат **П. А. Азизбековга** берилади.

Масалани муҳокама қилишда депутатлар **Г. Г. Боровиков, Б. В. Крижков, И. И. Заславский, А. Л. Плотников, В. В. Бушуев** иштирок этдилар.

Редакцион комиссияни тузиш тўғрисидаги қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Раислик қилувчи 1989 йил 9 апрелда Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни текшириш учун комиссия составини съезд муҳокамасига қўйди. Масалани муҳокама қилишда депутатлар **А. Н. Тавхелидзе, А. К. Сафонов, Э. Л. Клумбис, Т. М. Шамба, А. А. Коршунов, М. Н. Полторанин, К. В. Нечаев** — Волоколамск ва Юрьев митрополити **Питирим, Н. А. Назарбаев, Р. Ш. Табукашвили, В. Ф. Толпежников** қатнашдилар.

Кўпчилик овоз билан комиссия составини тасдиқланади.

Депутатлар **О. М. Мамбетов, Н. С. Сазонов, А. И. Лукьянов, М. С. Горбачев, Д. Н. Кугультинов** иш тартиби маслалари юзасидан фикр-мулоҳазалар айтдилар ва изоҳлар бердилар...

Шу билан съезднинг кечқурунги мажлиси тугади.

* * *

1 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида, СССР халқ депутатларининг съездида СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи депутат Б. Е. Патон Тула областидан халқ депутатларининг хатини ўқиб эшиттирди. Унда бугун совет мактабларининг иншо ёзаётган ўнинчи синф ўқувчиларини болаларни ҳимоя қилиш кунида съезд номидан табриклаш таклиф этилади. Бу, деб таъкидлашади депутатлар, уларнинг мамлакат олдидаги биринчи имтиҳонидир. Хат муаллифлари съездни уларга ижодий илҳом, ўқиш ва ҳаётда муваффақиятлар тилашга даъват этади.

Съезд Тула области депутатларининг таклифини қарсаклар билан қабул қилди.

Депутат **И. П. Друцэ** ўз нутқини юқоридан тайинланадиган раҳбар кадрлар муаммосидан бошлади. Бу нарса яроқсиз практика эканлигини айтди. Республикада Совет ҳокимияти йилларида ҳар қандай вазифани ҳал этишга қодир ўзининг муносиб кадрлари вояга етди.

Сўнгра нотиқ съезд иши чоғида юзага келган иш тартибига оид бир қанча масалаларга тўхталди. Жумладан, у кўп вақт оладиган ва унинг фикрича, давлат-партия аппаратига депутатларнинг ўз иродасини баён этишини чеклашга имкон берадиган овоз бериш жараёнини кескин танқид қилди. Нотиқ съезд ишининг охиригача ҳар бир депутат ғоят хилма-хил ўткир муаммолар юзасидан якка тартибда овоз бериши учун зарур шарт-шароитлар яратишни сўраб мутахассисларга мурожаат қилди.

Нотиқ Тбилисида рўй берган воқеаларга тўхталиб, у ёки бу регион маъмурлари вазиятни бошқаришга қодир бўлмаса, улар истеъфо беришлари, уларнинг ўрнини эса аҳоли билан умумий тил топа оладиган кишилар эгаллаши керак, деди. Депутат гражданларга қарши куч ишлатиш тўғрисидаги декретни кўриб чиқишни съезд муҳокамасига қўйди. Декретда келгусида аҳолига қарши ҳарбий куч — мунтазам ҳарбий қисмлар, шунингдек ички қўшинлар махсус отрядларидан фойдаланишни тақиқлаш таклиф этилади, маҳаллий маъмурлар зиммасига барча муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш вазифаси юкланади.

Нотиқ тил муаммоларига катта эътибор берди ва Болтиқбўйи, Молдавия ва бошқа регионлардаги рус тилида сўзлашувчи аҳоли бу муаммони анча асабий тусда тушунмоқда, деди. У тил тўғрисидаги ғамхўрлик энг аввало миллат ўз тили инқирозга учрашига тоқат қилолмаслиги тақозо этишини айтди. Миллий тилларни сақлаб қолиш учун, деб таъкидлади депутат, давлат механизмини ишга солиш керак, ҳозирги пайтда бундай вазиятда бошқа восита ёрдам бермайди.

Халқнинг икки юздан кўпроқ вакили топшириғига кўра депутат **Б. С. Митин** маорифнинг аҳволи ва уни ривожлантириш вазифалари ҳақида гапирди. Олий малакали кадрларни жаҳон даражасида тайёрлашга қодир таълим системасига эга бўлмаган мамлакат муқаррар равишда техникавий жиҳатдан қолоқ бўлиб қолиши ва ер юзидаги рақобатда эса муваффақият қозониш имкониятига эга бўлмайди, деб эслатди у. Таълимнинг ҳозирги аҳволи, деди нотиқ, қайта қуришнинг стратегик вазифаларини таъминлай олмайди.

Депутат бу хулосани асослар экан, аввало, ҳозир сарфланаётган маблағ 1956 йил даражасида қолиб кетганлигини, қишлоқдаги мактаблар, айниқса, оғир аҳволга тушиб қолганлигини айтди. Шу яқин йиллар ичида аҳволни ўнглаб олиш учун маблағни қаердан олиш керак? Депутатнинг назарида, харажатларни камайтириш ва хўжасизлик оқибатидаги нобудгарчиликларга барҳам бериш т. файли неча ўн миллиард сўм топса бўлади, бу маблағларнинг асосий манбаидир.

Нотиқ таълимни компьютерлаштириш жиҳатидан мамлакатимиз жаҳонда сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турганлигини айтди. Ҳукумат бу ишни жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилганига қарамай, мазкур вазифа яқин йиллар мобайнида ҳал бўлмайди. Чунки бу ишга катта маблағ талаб этилмоқда. Уларни қаердан олиш керак? Чет эллардан сотиб олинган ва ўрнатилмаган ускунанинг ўзиёқ 5 миллиард сўм туради ва у ортиқча матоҳ бўлиб ётибди, деди депутат. Кўриниб турибдики, гап яна хўжасизликка бориб тақалмоқда. Нотиқ қонун йўли билан, ҳуқуқий тадбирлар билан таълим соҳасини нормал ривожлантиришни таклиф этди. У ўқитувчи ва мураббий моддий аҳволини яхшилаш, маориф ходимларининг меҳнат шароитини, турмуши ва дам олишини яхшилашга қаратилган таклифларни ўртага қўйди.

(ТАСС).

(Давоми келгуси сонда).

Депутат Р. Н. НИШОНОВ нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

кутмоқда ва талаб қилмоқда. Аммо халқ ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот асослари қатъиян мустаҳкамланган тақдирдагина, биз раҳбарликнинг буйруқбозлик-бюро к р а т и к усулларидан батамом воз кечишга муваффақ бўлганимиз тақдирдагина ана шундай самараларга эришиш мумкин.

Менимча, съездда ана шу масалалар хусусида умуман амалий равишда, ишчанлик руҳида гаплашиб олинмоқда. Фақат айрим чиранишлар, андишасизлик билан ёрлиқларни ёпиштириш, депутатларни илғорлар ва қолоқлардан иборат қанотларга ажратиш, айрим ўртоқларнинг съездни партия ходимларига қарши қўйиш йўлидаги уринишлари кишини ранжитади.

Масалан, кеча иккинчи секретарлар лавозимларига қарши хуружга йўл қўйилди. Буларнинг ҳаммаси жипслашишимизга ёрдам бермайди, бирлигимизни бузади. Айтишим мумкинки, манманлик дардига мубтало бўлган айрим депутатлар Ўрта Осиё республикаларидан келган депутатларга қарши ҳақоратли хуружларга йўл қўйиб, уларнинг ҳаммасини қандайдир буйруқ ва кўрсатмаларни итоаткорона бажаришда айбладилар. Биз бундай хуружларни қатъиян рад этамиз. (Қарсаклар).

Азиз ўртоқлар, бизда биринчи даражали ёки иккинчи даражали депутатлар йўқ. Кенг миқёсда фикрловчи ва тор доирада фикрловчи депутатлар бўлмагани каби бизда ғоят масъулиятли ёки масъулиятсиз депутатлар йўқ. Биз ҳаммамиз тенгмиз ҳамда ўз сайловчиларимиз олдида ва мамлакат олдида баб-баравар масъулиятлимиз. Биз ҳаммамиз содир бўлаётган жараёнларни жуда осойишталик билан, ўзаро тоқатли, вазминлик ва билимдонлик билан идрок этишимиз, олга томон ҳаракатнинг тўғри йўналишларини ва усулларини танлаб олишимиз, ҳамма группалар ва барча регионларни жипслаштиришимиз керак, деб ўйлайман, чунки биз битта умумий ишни қиляпмиз. Биз мамлакатнинг, съезднинг юмушлари, одамларнинг ўй-ташвишлари билан яшаяпмиз. Съезднинг кўпгина қатнашчилари каби мени ва партиявий ишдаги ўртоқларимни, масалан, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари жиддий безовта қиляпти. Ҳар қандай бино пойдеворга қўйилиши маълум. Демократиянинг пухта ишлаб чиқилган механизми, чуқур ўйланган қонунлар шундай асос бўлиб қолиши керакки, бусиз ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Бундан бир юз эллик йил муқаддам Виссарион Григорьевич Белинский мамлакатимизга тарғиботлар эмас, балки оқилона қонунлар ва имкони борича уларнинг қатъий ижроси керак, деган эди. Ҳолбуки, ҳозирча биз қонун ижод қилишнинг пухта пишиқтирилган технологиясига, қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш тартибига эга эмасмиз. Кейинги вақтларда қабул қилинган айрим қонунлар ўйлаб қўйилганидек амал қилмаяпти, бошқалари уларнинг моҳиятини йўққа чиқарувчи инструкциялар билан кўмилиб кетмоқда, учинчилари эса улар эълон қилиниши биланоқ баъзи моддаларининг баҳсли эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳокимият ва қонун жамият манфаатлари, халқ манфаатлари посбонлигида туриши керак. Докладда бу ҳақда яхши айтилган.

Марказ билан республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир масалалар ҳам қонун билан мустаҳкамланиши зарур. Маълумки, Совет Иттифоқининг Владимир Ильич Ленин иштирокида ишлаб чиқилган 1924 йилги Конституциясида «Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисида ва Иттифоқ гражданлиги ҳақида» боб бор эди. Аммо 1936 йилги, шунингдек, ҳозир амалда бўлган Конституцияда ҳам бундай боб йўқ. Қонунда белгиланган қоиданинг йўқлиги шунга олиб келдики, 40-йилларда бутун-бутун халқлар, шу жумладан, қрим татарлар, месхети турклари ва бошқалар тўғилган жойларидан маҳрум этилдилар, яқин ўтмишда эса миллий хусусиятлар билан ҳисобдашиш зарурлиги тўғрисидаги ҳар қандай таклиф, она тилини ва чинакам миллий маданиятни ривожлантириш тўғрисида ватанпарварларча нормал жон куйдириш кўпинча миллатчилик билан тенглаштирилди, бу эса докладда тўғри айтиб ўтилганидек, аччиқ алам ҳис-туйғуларини келтириб чиқарди ва миллий ўзликни англашда ғоят салбий акс этди. (Қарсаклар).

Совет Иттифоқининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш чоғида, табиийки, янги талаблар ҳисобга олиниб, мазкур бўлим тикланса, у ўзини мутлақо оқлаган бўлур эди. Майда миллатларнинг ҳуқуқларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўядиган пайт келди, бунинг учун, масалан, миллий группалар тўғрисидаги қонун концепциясини ўйлаб кўриш керак (Қарсаклар).

Қайта қуриш республикалардаги кўпгина ўткир, ўз ҳолига ташлаб қўйилган илатларни очиб ташлади. Бир қанча регионларда сўнгги йилларда юз берган воқеалар муаммоларни ҳал қилмаслик қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатди. Бу воқеаларнинг сабаблари турлича, лекин уларнинг кўпи олдинги ўн йилликларда миллий сиёсатнинг бузилганлиги, иқтисодий тараққиётдаги қўпол хатолар ва бузилишлар, социал-маиший ва маданий соҳанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан мустаҳкам боғлиқдир. Турғунлик давридан Ўзбекистоннинг партия ташкилотига ва барча меҳнаткашларига ҳам ана шундай мерос қолган. Партия ва идеология ишида қўпол хатоларга ва бузилишларга, саноат ва қишлоқ хўжалигида номутаносибликка йўл қўйилди. Бир қанча раҳбар ходимларнинг маънавий жиҳатдан бузилганлиги аниқланди, улар ҳозир партиявий ва жиноий жавобгарликка тортилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси барча кўринишдаги порага сотилган унсурларга қарши қатъий кураш олиб бормоқда ва бу кураш охирига етказилади. Ана шу ва бошқа туб масалаларни ҳал қилиш республикада эскилик билан янгилик ўртасидаги оғир курашда, қарор топган эски андозалар ва ақидаларни қийинчилик билан бартараф этишда, ишнинг янги услуби ва методларини, янги тафаккурни қийинчилик билан эгаллашда амалга оширилаётган мураккаб қайта қуриш жараёнининг чинакам мазмуни бўлиб қолди. Биз ҳаммамиз иқтисодий, социал ва сиёсий муаммоларга қайта қуриш нуқтаи назаридан ёндашувни ўрганмоқдамиз. Бунга биз осонликча эришаётганимиз йўқ. Республикада тармоқ жиҳатидан ҳам, территориал жиҳатдан ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш структураси бузилган. Кўп йиллар давомида ижтимоий ишлаб чиқариш асосан бир томонлама, режасиз ривожланди. Кўп йиллар давомида хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларни ривожлантиришга зўр берилди. Бундай маҳсулотларнинг улуши умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 60 процентга етди. Иш жойи жуда кам бўлган ҳамда маҳсулот таннархида иш ҳақи улуши кам бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ғоят жадал суръатлар билан барпо этилдики, бу ҳол шунингдек ҳам ўткир бўлиб турган иш билан таъминлаш муаммосини тағин ҳам қийинлаштириб юборди ва аҳоли пул даромадларининг ўсишига тўсқинлик қилди. Хом ашёни қазиб чиқариш ва уни дастлабки қайта ишлаш, шу жумладан бизнинг шаротимизда жуда тақчил сувдан кўп миқдорда фойдаланиладиган ва экология вазиятига жиддий равишда таъсир қиладиган химия ва нефть химияси саноатида, рангли металлургияда хом ашё қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик комплекслар қурилишига жуда кўп маблағ сарфланди. Шу билан бир вақтда тайёр буюмлар ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган қувватлар деярли барпо этилмади. Республикада етиштирилаётган пахта толасининг ўндан бир қисмигина ўзимизда қайта ишлаб чиқарилаётган экан, бундай ҳолга йўл қўйиб бўладими? Мислсиз даражага етказилган пахта якка ҳокимлиги ўлкамизнинг ривожланиши учун тўсиқ бўлибгина қолмай, чинакам кулфатга айланди, ер-сув ресурсларининг камайишига, далаларнинг мислсиз даражада химиялаштирилишига, аҳолининг оммавий равишда касалланишига олиб келди. Бу ерда айтиб ўтганларидек, Орол бунинг яққол мисолидир. Ҳозир биз иттифоқ органларининг ёрдам

• *ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК*

СЎХ САБОҒИ

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ СЎХ СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИ ТЎХТАТИЛДИ. АММО.. ИНШООТ БУНЁДКОРЛАРИ БИР ДАҚИҚА ҲАМ ТИНГАНЛАРИ ЙЎҚ — ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ! БУНИ ҚАНДАЙ ТУШУНИШ КЕРАК!

МАРКАЗИЙ газеталар саҳифаларида «Сўхда сукунат ҳукм сураётганлиги» ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Бу сув омбори атроф-муҳит иқлими ва экологиясига катта зарар келтириши ҳақида бонг ураётган олимлар ва жамоатчилик намоёндалари эркин тин олишди. Аммо қанчалик ғайритабиий бўлмасин, сув омбори қурилиши бир дақиқа ҳам тўхтаганй йўқ. Қудратли скрейперлар дарё ўзанига ҳарсанг тошларни юмалатишни давом эттиряпти. Қурилиш трассаси бўйлаб оғир «БЕЛАЗ»лар ҳаракати тинмайди.

Калони назар тоғлари тепасидаги музликлардан водий сарҳадларида чопиб тушаётган бебош Сўх жилов-ланиш арафасида. Дарёнинг бўтана сувлари битиб қолаёзган тўғон ва баҳайбат қоя оралиғига қисиб қўйилган. Қоя билан тўғон оралиғида 20-30 метрча жой қолган. Тез орада бу ер ҳам тўсилади. Дарё суви ёндошқоя орасидан тешиб ўтказилган сунъий ғор дарё — туннелга йўналтирилади ва 80-йиллар бошларида газеталарда мадҳ этилган ўша машҳур «Сўхнинг мовий косаси» шакллана бошлайди...

Хўш, жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари, обрўли олимларнинг фикрлари, қолаверса, ҳукумат қарорининг кучи қаерда қолди? Бир ёқда қурилишни тўхтатиш ҳақида қарор эълон қилинди. Иккинчи ёқда қарор мазмуни бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетган қурувчилар зўр бериб тўғонни тиклашяпти. Сув омбори қурилиши ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи А. Маматов «Қарор газеталарда чиққандан сўнг цемент заводлари бўлажак сув омбори учун қурилиш материали ажратишни камайтириб юборганлари» дан нолийди. Цементни кўпайтиришни талаб қилади.

Область Совети ижроия комитети эса сув омбори қурилиши жараёнида Сўх водийси қишлоқларида барпо этилган саноат, социал-маиший ва маданий объектлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун нуфузли комиссия тузди. Уларнинг қай бирига ишонса бўлади?

Жамоатчилик орасида турли-туман, асосли-асоссиз гапларнинг ўрмалаб қолишига яна ўша эски касаллик — йириқ объектлар қурилиши муаммоларини ошкор этмасликка уриниш сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, кейинги йиллар баҳсу мунозара ва эҳтиросларнинг авж олиб кетишига худди мана шу қурилиш лойиҳаланаётган пайтда ошкоралликнинг етишмаслиги сабаб бўлмадими? Чиндан ҳам «Узгипроводхоз» институтида лойиҳаси 1980 йилдаёқ тайёр бўлган сув омбори қурилиши ҳақида кенг жамоатчилик 1985 йилнинг май ойига келиб, яъни қурилиш трассасида карнайлар чалингандагина хабар топган эди. Сокин, бегоналардан ҳоли кабинетларда лойиҳалаштирилган ва тасдиқланган, жамоатчилик муҳокамасидан четда, қарши томонлар фикри эътиборга олинмай бошланган қурилишнинг тақдири республика сув хўжалиги учун аччиқ сабоқ бўлди.

Ҳозиргача сув омбори қурилишига 47 миллион сўмга яқин капитал маблағ сарфланди. Қанчадан-қанча маъмурий-маиший бинолар қурилди. 250 та автомашинага мўлжалланган автобаза, «Гидроспецстрой» бошқармаси, «Гидромонтаж» қурилиш бирлашмасига қарашли базалар, тозалаш иншоотлари, қозонхоналарчи... Ҳозиргача қурилган иншоотларни консервация қилиш, яъни узоқ вақтларгача бузилмайдиган, емирилмайдиган қилиб сақлаб қўйиш учунгина қўшимча 5 миллион 300 минг сўм харажат талаб қилинади.

Сорокин пайти келиб улкан сув омбори қурилиши муқаррарлигига ишонади. Ҳозирча лойиҳачилар сув омборини илгари белгиланган 385 миллион куб метрлик қилиб эмас, балки 55 миллион куб метр сув сиғадиган кўламда қуришни таклиф этишди. Бу лойиҳага кўра сув омбори сел ушлагич, айни пайтда дарё сувини бир маромда тақсимловчи, тартибга солувчи вазифасини ўтайди. Уни қуриб битказиш учун қўшимча равишда 26 миллион сўмликдан ортиқ маблағ талаб қилинади.

Янги лойиҳанинг мусбат ва манфий томонлари қандай? Биринчидан, бўлажак сув омборй ҳажми кичик бўлгани учун у ер ости сувлари ҳаракатига деярли таъсир кўрсатмайди. Иккинчидан, 80 минг киловатт қувватга эга ГЭС қурилиши мумкин бўлади. ГЭС қурилиши республика энергетика, нефть-газ ва кўмир саноати корхоналарининг 1995 йилгача барқарор тараққиётини таъминлаш планларида кўзда тутилган. Учинчидан, Сўх сувини тартибли бошқаришни йўлга қўйиш — давр талаби. Лекин энг муҳими, қурувчилар ва лойиҳачилар сув омбори қурилишига сарфланган деярли 50 миллион сўмнинг ҳавога учиб кетишига рози эмаслар.

Хўш, кичкина бўлса-да, сув омбори қуриш ўринли бўладими? Ёки бу сув омбори қурилишини бошлаганларнинг нафсониятини ерга урмаслик учунгинами? Масалага холис қараш ҳар ҳолда кичикроқ сув омбори қурилиши зарурлигини кўрсатяпти. Тўғри, илгари кўтарилган кўпгина муаммоларни бу сув омбори қурилиши ҳам ҳал этмайди. Масалан, Қўқон атрофидаги районлар деҳқонлари, олимлар Сўх суви таркибидаги фойдали лойқа моддаларнинг далаларга келмай қолишидан ташвишлангандилар. Иккинчи лойиҳа бўйича ҳам сув таркибидаги лойқанинг 70 проценти сув омбори тубига чўкиб қолади. Хўш, далаларимизга ўша лойқа жуда зарурми?»

«Районимиз асрлар бўйи Сўхдан сув ичиб келганлиги туфайли унинг ери дарё оқизиб келган тоғ қумлари, қодири ҳақида қизишмай мулоҳаза юритиш мумкин.

Кейинги пайтларда республикадаги экологик ҳолатнинг ёмонлашишига сув омборлари ҳам қисман сабаб бўлди, дея исботлашга уринаётганлар кўпайиб қолди. Гўё шу пайтгача қурилган мана шундай иншоотлар халқ хўжалиги ва табиатга зиёндан ўзга нарса келтирмаганмиш. Мана шундай мулоҳаза билан сув омборлари қурилишига мутлақо чек қўйиш, эскиларини эса тугатишни талаб қилишяпти.

Яқинда Тошкентдаги танишларимдан бири: «Хайрият, Сўх қурилиши тўхтади, энди навбат Тўпаланг сув омборига» дея телефон қилди. Сув омборларига нисбатан бундай ғаразли, ҳатто агрессив муносабатда бўлиш тўғримй? Ахир халқимиз ўтмишда ҳам шундай иншоотлар қурган-ку! Масалан, Самарқанднинг Нурота тоғлари бағрида XVI асрда Абдуллахон замонида қурилган Хонбанди сув омбори мавжуд эди. 25-50 йил муқаддам қурилган Каркидон, Каттақўрғон сув омборлари фақат зарар келтирди дейиш инсофданми?

— Каркидон сув омбори туфайли Фарғона областининг бир қатор районларида сув таъминоти икки баробар яхшиланди, — дейди область сув хўжалигининг кекса ходими Қ. Қорабоев. — Сув омбори қурилмасдан илгари область хўжаликларида 253 минг гектар экин майдони бор эди. Ҳозир бу кўрсаткич 324 минг гектарни ташкил этади.

Тоғ ёнбағирларига ёққан қордан ҳосил бўладиган Қорадарё ва Исфайрамсой саратон бошланмасданоқ қуриб қоларди. Эрта баҳорда тўлиб-тошиб оққан бу дарёлар сувининг бир қисмини Каркидонга қамаб, айни вегетация даврида экинларга етказиб бериш деҳқончиликка фақат фойда келтирди.

Бўлажак сув омбори обҳаётнинг далага бир маромда етказиб берилишига хизмат қилади. Бу ҳол деҳқончиликда жуда муҳимдир. Сўх сувининг бир текисда оқмаслиги маълум. Ўтган йилнинг 23 август куни эрталаб дарёда 100 куб метр сув оққанди. Кечга бориб эса 68 куб метр қолди. Чунки кундузи муз эришидан ҳосил бўлган сув туни билан дарё ўзанига тушиб улгуради. Натижада дарёда эрталаб сув кўпаяди. Кечга бориб эса камаяди. Деҳқон учун бу жуда ноқулай. Масалан, эрталаб карталарга тараб қўйилган сув эгатларнинг ярмига борганда қурийди. Эртаси яна эгат бошидан сув очишга мажбур бўлинади. Сув омбори қурилса, бундай нохуш ҳоллар барҳам топарди.

Сув омборлари еримизни захлатиб юборяпти, дея хўжалик раҳбарлари нолиб қолишади. Ҳолбуки, бундай хўжаликларда зовурлар йиллаб тозаланмайди. Улардан кўпинча оқава сувлар ташланадиган ариқ сифатида фойдаланишади. Масалан, Каркидоннинг зарари ҳақида кўп гапирилаётган Қува районида ўтган йили нормадагидан анча ортиқ сув ишлатилган. Бу, албатта, захланишга олиб келади!

Кейинги пайтларда Фарғона областида сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга катта аҳамият бериляпти. Олтиариқ районида биринчи бўлиб сувдан пуллик фойдаланиш йўлга қўйилди. Лекин ҳали ҳам сувни исроф қилишга барҳам берилди, деб бўлмайди. Областда суғоришнинг прогрессив — томчилатиб, найча орқали суғориш усуллари кенг қўлланилмаяпти.

Албатта, кичкина Сўх сув омборининг қурилиши катта муаммоларни ҳал қилиб бермайди. Бироқ бир фикр эътиборимизни тортди. Мутахассисларнинг айтишича, Сўх сувини бир маромда тақсимлаш катта Фарғона каналидан олинадиган сувни камайтириш, яъни Орол учун қўшимча об-ҳаёт узатиш имконини яратади.

Ҳа, Сўхда сув омбори қурилиши давом этяпти. Бироқ унинг қандай бўлиши, қанақанги иқтисодий ва экологик натижалар бериши кенг жамоатчиликка маълум эмас. Ҳали бирор билимдон мутахассис ёки олим янги лойиҳанинг яхши-ёмон томонлари ҳақида матбуотда очиқ фикр билдирмади. Бизнингча, лойиҳани жорий этишдан аввал ишни лойиҳа ҳақида ошкора фикр юритишдан бошлаш керак. Жўяли, ўринли, табиатга салбий таъсир кўрсатмайдиган фойдали лойиҳага ким ҳам қарши чиқарди!

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Солиқлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ТАКЛИФЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Матбуотда эълон қилинган «Аҳолига солиқ солиш миқдорлари ва тартиби ўзгариши тўғрисида»ги СССР Қонуни ва шу масала тўғрисидаги СССР Министрлар Советининг қарори лойиҳаларига қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламан:

1. Мамлакатимизда содир бўлаётган катта ўзгаришлар даврида аҳолига солинадиган солиқ миқдорлари ва тартиби ўзгариши тўғрисидаги қонун эмас, балки мавжуд қонунни бекор қилиб, унинг ўрнига «Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» янги қонун қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Афғонистон Демократик республикасида ҳарбий хизматни ўтаб келган гражданларга кўп соҳаларда уруш қатнашчиларига берилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Лекин даромад солиғи бўйича берилган имтиёз бундан мустасно. Шуни ҳисобга олиб, ушбу гражданларга даромад солиғи ҳисоблашда 50 процент енгиллик берилишини таклиф киламан. Бундан ташқари Афғонистонда ва умуман Совет Армияси сафларида ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган, ёки дом-дараксиз йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарини СССР гражданларидан олинадиган бўйдоқлик, ёлғизлик ва кам оилалик солиғидан ҳам озод қилиш керак. Ҳозирча бундай енгиллик фақат уларнинг ариза-ларига мувофиқ молия органлари томонидан берилади.

3. Боқимида 3 киши бўлган гражданларга даромад солиғидан 30 процент, боқимида 4 жондан 6 жонгача бўлганларга 50 процент миқдорида енгиллик бериш кўзда тутилса. 6 тадан кўп болалилар эса даромад солиғи тўлашдан бутунлай озод қилинса.

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар берилишидан кўриладиган давлат бюджети зарарини қуйидагилар ҳисобига тўлдириш лозим:

1. Ҳозирги вақтда гражданлар ўзларига ажратиб берилган томорқа участкаларида етиштирган ҳар қандай маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадларидан солиқ тўлашдан озод этилганлар. Албатта, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдан олинадиган даромаддан солиқ олинмаслиги тўғри, Лекин, кўп гражданлар ўз томорқа ерларида, гул етиштириш билан, баъзи областларда эса тамаки етиштириш билан шуғулланишади ва бошқа экинларга нисбатан яхши даромад қилишади. Лекин улар ҳам ҳозирги қонун бўйича солиқ тўлашдан озод бўладилар ва бундай енгилликни бекор қилиш СССР Министрлар Советининг қарори лойиҳасида ҳам кўзда тутилмаган. Ахир, нахотки нондек азиз маҳсулот ишлаб чиқарувчи гражданлар солиқ тўлашадию, гулчилар ва тамаки етиштирувчилар солиқ тўлашмайди. Менингча гул, тамаки, томорқа ерларида озиқ-овқат маҳсулоти бўлмаган бошқа ўсимликларни етиштириб сотишдан даромад қиладиган гражданлар даромад солиғи тўлашлари керак.

Қонун лойиҳасида ойлик маоши 101 сўмдан 700 сўмгача бўлган иш ҳақларидан ва асосий иш жойларидан бошқа корхона, ташкилотлардан ўриндошлик йўли билан ишлашдан оладиган иш ҳақларидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида ҳеч нарса кўрсатилмаган. Ҳозирги, амал қилаётган «Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармоннинг ушбу моддалари ўз кучини сақлаб қолса ҳам, мазкур моддаларга тегишли ўзгартириш киритиш зарур ёки янги Қонун лойиҳасида ушбу моддада кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўз ходимларини хизмат командировкасига юборишда уларга СССР Министрлар Совети белгилаган нормадан кўп миқдорда командировка харажатлари тўлашмоқда. Тўғри, буни тақиқлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин, нормадан ошиқча берилган суммалардан даромад солиғи ушлаш кераклигига ҳамма ҳам амал қилмаяпти. Шунинг учун, Қонун лойиҳасининг 7-моддасини «СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган нормадан ортиқча берилган командировка харажатлари суммалари», деган банд билан тўлдириш зарур.

Р. ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Молия министрлиги давлат даромадлари ва солиқлари бўлимининг солиқлар қисми бошлиғи.

Андижон область Ильичовск пайпоқ тўқиш фабрикаси ишчиси Одинахон Ғойибова ҳар доим берилган топшириқни ошириб адо этиб келмоқда.

Суратда: О. Ғойибова.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

СУРХОНДАРЁ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Сурхондарёлик «кумуш тола» ишчилари давлатга 1125 тонна пилла топшириб, йиллик планни барвақт бажаришди. Ҳар қути қурт уруғидан пландаги 43,9 килограмм ўрнига 53,1 килограммдан ҳосил олишди.

Бу меҳнат ютуғига осонликча эришилмади. Айниқса, апрель ойининг сўнгги кунлари бостириб келган совуқ оқим воҳа тутзорларига жиддий зарар етказди. Аммо пиллакорлар қўшни тожикистонлик дўстлари ёрдамида озуқа танқислигига барҳам беришди. Ангор, Ленин йўли, Термиз, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Олтинсой, Сариосиё, Гагарин районлари заршунослари тадбиркорлик билан тер тўкиб, мусобақада пешқадамлик қилдилар. Ангорлик Зарҳол Каримова, Майрам Фозилова, Бибисора Амирова, термизлик Тўхта Қурбонова, қумқўрғонлик Тожихол Омонова, Ленин йўли районидан Сенам Хўжанова каби илғор ижарачи пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 80—100 килограммдан ҳосил олдилар.

Пилла топшириш давом этмоқда. Область заршунослари давлатга яна 200 тонна «кумуш тола» топширишга аҳд қилишган.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Газетхон билан суҳбат*

ЮКСАК МАЪНАВИЙЛИК—ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ НЕГИЗИ

● Ҳар бир халқнинг маданияти, урф-одати, фан ва маданиятдаги ютуқлари минг йиллар давомида такомиллашиб, етилиб боради. Улар шу халқнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади. Ана шу бойликлардан тўла фойдаланмасдан туриб олға силжиш, маданият, илм-фанни ривожлантириш мумкин эмас.

Республикамиз тарихига назар ташлар эканмиз, бу соҳада қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрамиз. Араб алифбосидан воз кечилиб, лотин алифбосига ўтилди. Натижада халқимиз ўзининг бой маданий меросидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлди. Маданий мерос араб алифбосида ёзилгани учун архивларга ташланди, айримлари йўқотилди. Бир вақтнинг ўзида неча юз йиллаб яшаб келган адабиётларнинг ҳаммасидан воз кечилди. Бу эса халқимиз учун қимматга тушди.

Бош министр Ж. Неру Ҳиндистон озод бўлгандан сўнг ҳам инглиз тилидан воз кечмасликни, чунки илм-фан ютуқлари шу тилда бўлиб, Ҳиндистон тараққиётида катта роль ўйнаганлигини айтган. Маълум бўлишича, биздаги ўзгаришлар ўша вақтда айрим раҳбарларнинг ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун тутган йўллари натижаси бўлиб чиқди.

Алифбонинг ўзгариши билан аста-секин ўзбек тилининг қадрсизланиш ҳолатлари юзага кела бошлади. Республикада илмнинг қайси соҳасида бўлмасин, фақат рус тилидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилди. Ўз-ўзидан равшанки, янги алифбони ҳали тўла ўзлаштирмаган ҳолда бошқа тилда ижод қилиш анча мушкулликлар туғдирди. В. И. Ленининг ҳар бир миллат аввало ўз тилини чуқур ва мукаммал билиши, сўнгра бошқа тилни ўрганиш керак деган фикрларига зид шароитлар яратилди.

Шахсга сиғиниш даврида академик Н. Я. Марр-нинг «тил ҳақида янги таълимот»и олға сурилган, бу таълимотга кўра мамлакатда ягона тил ҳукмрон бўлиши, миллий тиллар йўқолиб бориши лозим эди. Шу туфайли миллий тилларга эътибор сусайиб кетди. Бу хатоликлар миллатлараро муносабатларда салбий ҳолатларни вужудга келтирди. Ҳар турли қўлланмалар, ўқув қуроллари, илм-фан соҳасидаги адабиётларни миллий тилда чоп этишнинг кескин камайтирилиши ишлаб чиқаришда ва илмда миллий кадрлар сонининг ўсишига салбий таъсир қилди. Бу турғунлик ҳолатига олиб келди. Кўпчилик ўрта ва олий ўқув юртларида дарслар миллий тилда олиб борилмай қўйилди. Бунга кўпинча миллий тилда ўқув қуроллари йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилди. Ваҳолонки, шу адабиётларни миллий тилга таржима қилиш учун кетган маблағ етишиб чиққан мутахассисларнинг давлатга берадиган фойдасидан бир неча ўн баробар кам бўлишини ҳисобга олмадилар.

Шундай даврлар бўлдики, юқоридан берилган кўрсатмага биноан қишлоқлардан билим даргоҳларига келган ёшлар лимит билан конкурссиз қабул қилинди ва улар рус тилида ўқитилди. Улар учун ўзлаштириш жуда қийин кечди. Лекин кўрсатмага биноан уларга сунъий равишда уч баҳо қўйиб диплом тутқазилди. Хўш, натижа нима бўлди? Иш сифати қанчалик паст, юзаки бўлиши билан ва бу ҳол қанчалик халққа зарар келтириши билан ҳеч ким қизиқмади. Медицина техникуми ёки институтни битириб ўз мутахассислиги бўйича ишлай олмай, бошқа соҳаларга ўтиб кетганлар кам эмас. Бу ҳол фақат медицинада эмас, балки техника билим даргоҳларида ҳам мавжуд. Академиклар Ю. В. Бромлей, Ф. Н. Федосеевларнинг таълимотига кўра, ҳар бир миллий тил ўз тараққиётига эга бўлиши ва бошқа тиллар томонидан ҳурмат қилиниши зарур. Республикада доимий яшаб турган бошқа миллат вакиллари шу республика тилини билишлари, бу ўз навбатида халқларнинг биродарлигини, ўзаро ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаши лозим.

Ҳозирги демократия ва ошкоралик даврида миллатлараро ҳамкорлик ва дўстликни кучайтириш янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳар бир миллатнинг маданияти, санъати, урф-одати, миллий бойликлари, жонли ва адабий тиллари чуқурроқ ўрганилмоқда. Натижада миллий анъаналар, урф-одатлар, илм-фан ютуқлари умумдавлат бойлигига айланмоқда. Фикримизча, партиямизнинг ҳозирги вақтдаги икки тиллилик ва кўп тиллилик сиёсати жуда катта аҳамиятга эгадир. Улуғ Ватанимизда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар ўзаро мулоқотда рус тилидан фойдаланадилар. Албатта рус тилини билмай туриб, ҳозирги замон илм-фан ютуқларидан тўла баҳраманд бўлиш ёки тожик, грузин, белорус қардошимиз уйида бир нафас дам олиш амри маҳолдир.

Бизда кейинги вақтларда бир тиллик тенденцияларни кучайиб бориши миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ўрнига, аксинча унинг сусайиб бориши-га сабаб бўлмоқда эди. Ўйлаб кўринг-а, ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳридаги жуда кўп ёзувлар, жумладан кўчаларнинг номлари, савдо тармоқлари, маиший хизмат, шаҳар транспортидаги ёзувлар фақат рус тилида кўрсатилган. Шаҳаримизда ўнга яқин маданият-истироҳат боғи бор. Лекин бирортасининг номи миллий тилда ёзилмаган.

Маълумки, ўзбекларнинг 80 фоизи қишлоқларда яшайди. Шу халқларни пойтахт томон йиғиб келаётган поездларнинг номи «Андижанец», «Наманганец». Нега «Андижонлик», «Наманганлик» эмас?

Албатта миллий тилда шу вақтгача янги йил табрик открткалари чоп этилмаслиги кечиралиқ ҳолат эмас. Юқори ташкилотларга беридиган аризалар, телеграммалар, эълонлар, вивескалар миллий тилда ёзилса бўлмайдими? Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги вақтда ўзбек сўзларининг ва атоқли номларнинг рус тилида ёзилишида кўп ҳатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Олмазор, Қатортол, Оқтепа, Бобохон, Бухоро, Тошкент каби сўзлар рус тилида Алмазар, Катар тал, Бабахан, Ак тепе, Бухара, Ташкент бўлиб ифодаланган. Бу билан миллий тилдаги маъноларга сўзларнинг нафислиги йўқолган. Албатта бу ҳол мантиққа тўғри келмайди. Ўзбек сўзларига рус қўшимчаларини қўшиш тил морфологиясига тўғри келармикан. Лагманная, самсовая, пловная, чайная сўзлари лагмонхона, самсахона, паловхона, чойхона бўлса ҳар икки миллатга ҳам тушунарли бўлмайдими?

Яна бир муаммо: тилшунослик қондаси бўйича ҳар бир миллатдаги атоқли отлар бошқа тилда ўзгартирилмаган ҳолда ёзилиши керак. Шу қоидага кўра бошқа тиллардаги атоқли отлар миллий тилда талаффузи қийин бўлишига қарамай ўзгартирилмасдан ёзилиб келинмоқда. Лекин баъзи ўзбек исмлари бошқа тил талаффузида ёзилиши жуда хунук оқибатларга олиб келмоқда. Маълумки, исм инсоннинг энг муқаддас мулкидир. Исмлар маълум бир маънога эга. Шу боисдан исмимизни тўғри, саводли ёзиш муқаддас бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналаримиз бунга унча эътибор бермайдилар. ЗАГС ва паспорт столи ходимлари эса миллий тилни билмасликлари ёки саводсизликлари, қолаверса масъулиятсизликлари туфайли жуда катта хатоликларга йўл қўядилар. Бир отадан бўлган икки ўғлининг фамилияси икки хил шаклда ёзилишига нима дейсиз: Иркинов-Эркинов, Обидов—Абидов, Жураев—Джураев, Олимхонов — Алимханов. Марҳум отамизнинг фамилиялари паспортда Рихситиллаев ўрнига Рисқулаев ёзилган эди ва у киши то умриларини охиригача бундан ранжиб юрдилар.

Маълумки, Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда атоқли олимлар, ёзувчилар ва меъморлар исмига таҳаллус сифатида «ий» қўшимчаси қўшиш одати неча юз йиллардан буён мавжуддир. Шунга кўра муқим сўзи Муқимийга, Чуст — Чустийга, Наво Навоийга, Хоразмдан чиққан аллома Хоразмийга айланган. Хиромий — Храми деб ёзилса қандай маъно чиқади. Шаҳримиздаги санъат ва маданият даргоҳи бўлмиш Муқимий театр пештоқига «Мукими» деб ёзилиб бир исмда икки хатога йўл қўйилган. Бу ҳолни қандай тушуниш мумкин?

Ўзбекистон телевидениесининг 1988 йил 25 декабридаги «давра суҳбати» маълумотларига қараганда, ўзбек тили ўз мавқеи жиҳатидан Иттифоқимизда 3 ўринда туради. Бу тилга қизиқиш дунёнинг жуда кўп мамлакатларида тобора ошиб бораётганлиги маълум. Айниқса Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва ҳаттоки Англия, Америка мамлакатларида кучайиб бермоқда. Уларда ўзбек тилини ўрганиш тўгараклари ташкил қилиниб, ўзбек тилшунослари пайдо бўлаётганлиги ва бу тилда турли хил адабиётлар чоп этилаётганлиги диққатга сазовордир.

Афсуски, республикамизда бошқа миллатлар учун ўзбек тилини ўқитиш мутлақо қониқарсиз. Рус мактабларида ўзбек тилини ўқитишда талабчанлик жуда суст, дарс соатлари кам, бунинг устига ўқув қуроллари етарли эмас. Фикримизча, айрим атоқли исмлар, номлар ва сўзларни, масалан, кўчалар, майдонлар номларини, шаҳар транспорт қатнови йўллари, айрим маиший савдо шохобчалари номларининг фақат миллий тилда берилиши шу тилни ўрганиш воситаси бўлур эди.

Ўртоқ М. С. Горбачев айтганидек, бизнинг улуғ Ватанимизда ҳамма миллат ва элатлар ўзларини яхши ҳис этмоқлари ва ўз урф-одатлари, маданияти ва тилларини бемалол ривожлантиришлари учун ҳеч нарсани аямаслик лозим.

Мамлакатимизнинг миллий республикаларида ҳозирги замондаги икки тиллилик жараёни турмуш ва меҳнатга ижобий таъсир қилинишини ҳар бир совет граждани онгли равишда тушунмоғи даркор. Бу қоидага кўра, ҳар бир миллат ўз тилини билишидан ташқари рус тилини ўрганиши, бошқа миллат вакиллари эса ўз навбатида шу республикадаги миллий тилни ўрганиши лозим. Фикримизча, шароитга қараб саноат корхоналари ва ўқув даргоҳларида руслар учун ўзбек, ўзбеклар учун рус тилини ўргатадиган тўгараклар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Икки тиллилик ва кўп тиллилик Ватанимиздаги ҳар бир миллатга тегишли бўлиб, бу масала шиор сиёсатидан реал сиёсатга айланмоғи лозим.

Телевидениега икки тилни мукаммал билувчи дикторларни жалб қилиш яхши натижалар берди. Шунга ўхшаш реклама бюроси ходимлари, рассомлар, почта-телеграф, давлат муассасалари, паспорт столи ва ЗАГС ходимлари ҳар икки тилни мукаммал билмоқлари даркор.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, мактабга биринчи қадам қўйган болага бирданига икки тилни ўргатиш унинг ўзлаштириш қобилияти, психологияси, қолаверса саломатлигига қандай таъсир қилар экан? Балки СССР Халқ маорифи аълочиси Аҳмаджон Долимов айтганидек, рус тилини ўрганиш учун бола дастлаб она тилини пухта билмоғи даркордир. Бу масалага психологлар, педагог ва педиатрлар қандай қарайдилар?

Бизда ўрта мактабларда ва илмий ходимлар учун чет тиллардан бирини ўрганиш ҳам зарурият деб ҳисобланади. Давлат томонидан қанчадан-қанча маблағ сарфланиб маълум тил ўргатилади. Бироқ улардан келадиган самара сарфланган харажатни қоплармайди. Бизнингча, бир қатор миллий мактабларда чет тили тарзида араб тилини киритиш ижобий натижалар беррар эди. Миллий кадрлар Шарқ мамлакатларидаги маданият ва фан ютуқларидан кенг фойдалана оладиган бўлур эдилар. Ўлка медицина институтида бир вақтлар Шарқ медицинасини ўрганиш бўлими ташкил қилинган эди. Мақсад араб тилида ёзилган жуда бой табобат илмидан ҳозирги замон илмий медицинасида фойдаланиш эди. Афсуски, бўлим 20 йилча ишлагандан сўнг ёпилди. Чунки ундан муҳим бир натижа чиқмади. Араб тилини биладиган 3—4 та нуроний отахонлар ҳозирги замон илмий медицинасини яхши билмасликлари туфайли таржимани ўрнига қўя олмадилар. Миллий кадрларимиз эса ўз навбатида, араб тилидаги қўлёзмалардан фойдалана олмадилар. Бу ҳол давлатга жуда қимматга тушди. Демак, тил билмоқ даркор. Инсон қанча кўп тил билса, унинг ички дунёси ва билими шунча бой бўлади.

И. ФАТХУЛЛАЕВ,
К. БАҲОДИРОВ,
профессорлар.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

КПСС XXVII съездида халқ турмушининг энг зарур муаммоларини ҳал этиш кераклиги алоҳида таъкидланганди. Бунда гап озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда мамлакат аграр секторини устун даражада ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, уй-жой қурилиши ва хизмат соҳасини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Қайта қуриш мафкураси, амалиётида илмий потенциални яхши фойдаланмай туриб, халқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Бу эса фан-техника сиёсатини ўтказиш ва интенсивлаш жараёнларини илмий асослашни кучайтиришни ҳамда иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Яқинда Низомий номли Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий-назарий конференция ана шу муаммоларга бағишланди. Конференциянинг ялпи мажлисида институтнинг ректори, профессор К. Ю. Юсупов «КПСС Марказий Комитетининг март (1989) Пленумида ленинча аграр сиёсатнинг ижодий ривожлантирилиши тўғрисида», Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир-аъзоси, профессор Ж. Т. Туленов «Социализм назариясини ва амалиётини бузиб кўрсатишларнинг асоссизлиги тўғрисида» доклад қилдилар.

Конференция қизғин баҳслар, савол-жавоблар билан ўтди.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

• САНЪАТ

ЯНГИ ТЕАТРГА МАРҲАМАТ

✦ Сўлим оқшом. Ёқимли мусиқа янграмоқда. Етмиш йилдан бери омборхона, цех сифатида фойдаланилиб, қаровсиз ҳолда ётган мадраса бинои таъмир қилиниб, роҳатбахш масканга айланди. Етмиш йилдан бери маъюс турган тарихий бино ёқимли куй ва қўшиқларга тўлиб кетди. Бу ажойиб куй, қўшиқларга асрлар бўйи сукут сақлаган тош деворлар ҳам жўр бўлаётгандай.

Бино ҳовлисига қатор сўрилар ўрнатилиб, палос ва кўрпачалар ёйилган. Ёстиқлар қўйилган. Сўрилар устида хонтахталар. Улар устида ширинлик ноз-неъматлар, иссиқ нонлар. Оқ яхтакли йигитлар чой ташиб туришибди.

Томошабинлар чой хўплаб, куй, қўшиқ тинглаб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

Бу ерда микрофон ҳам, овоз кучайтиргич асбоблар ҳам йўқ, театрлардаги каби саҳна ҳам йўқ. Лекин ҳофизларнинг овози ҳам, чолғу садоси ҳам иморатнинг ҳамма томонидан аниқ ва тиниқ эшитилади. Ансамблда фақат Шарқ чолғу асбоблари: ғижжак, танбур, дутор, най, доира... Фақат миллий куй ва қўшиқлар ижро этилади. Бундай концертларни халқимиз кўпдан бери кўришга муштоқ эди.

Бу гаплар бехабар одамларга эртакдай туюлиши мумкин. Эртак эмас, ҳақиқат.

Гап Бешёғоч даҳасидаги, Халқлар дўстлиги саройи ёнидаги Абулқосим мадрасаси ҳақида бормоқда. Бу ерда ўзбек миллий санъатини, халқимиз урф-одатларини қайта тиклаб, ривожлантириб, ташвиқ қилувчи биринчи театр очилди.

У Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими қошида, унинг ташаббуси ва маблағи ҳисобига очилди. Бу саховатли ишда республика жамиятининг раиси Н. А. Муҳиддинов, Тошкент шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Маткаримовнинг хизматлари катта.

Мадраса биносида Шарқ театри ташкил этилиши ҳар томонлама фойдали. Биринчидан, маданият ёдгорлиги ташвиқ қилинади. Иккинчидан, озода сақланади, оро берилади. Учинчидан, иқтисодий фойда келтиради. Тўртинчидан, одамлар баҳраманд бўлади. Халқимизнинг унутилиб кетган кўп урф-одатлари қайта тикланади, ташвиқ қилинади ва ҳоказолар.

Рустам Абдуллаев, Жамол Ўроқов, Насиба Саттарова, Муҳаббат Мирзаева каби хушовоз хонанда ва раққосалар ижросини кўрган томошабинлар мамнунлик изҳор этмоқдалар. Рақсларни Карима Узоқова саҳналаштирган, мусиқа раҳбари Ўлмас Расулов, театр бадиий раҳбари Тожи Муҳаммад.

Томошалар икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим классик куй ва қўшиқлар, иккинчи бўлимда театрлаштирилган никоҳ тўй маросими. Бўлимлар орасидаги танаффус пайтида араб, ҳинд, ўзбек, озарбайжон эстрада қўшиқлари янграйди.

Қисқаси, қайта қуриш шарофати билан яна бир театр дунёга келди. Театр Шарқ мавзуидаги драматик асарларини ҳам саҳналаштирмоқда. Ўлкамиз тарихида катта хизмат қилган улуғ шахслар ҳақидаги томошалар билан халқимизни томошалар этмоқчи.

Маъруф ЖАЛИЛ.

ҚАРДОШЛИК ШАРТНОМАСИ

● Бухоро райони деҳқонлари Ульянов областининг Корсун райони меҳнаткашлари билан қардошлик алоқаларини боғлашган. Бу йилдан бошлаб, халқ депутатлари Корсун район Совети бухоролик деҳқонларга ижара асосида картошка ва дағал хашак етиштириш учун ер майдони ажаратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, корсунликлар 50 та коттеж усулидаги ёғоч уйларни бухороликларга тайёрлаб берадиган бўлишди. Корсун пайпоқ тўқиш фабрикаси Бухоро районининг «Маданият» колхозида ўз филиалини очади.

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

САМАРҚАНД. Шаҳардаги Марказий универсал магазини чет эллардаги ўз шериклари билан иқтисодий алоқа ўрнатган биринчи савдо корхонаси ҳисобланади. ЧССР, Югославия, Венгрия Халқ Республикасидаги савдо фирмалари билан ўзаро алоқа тўғрисида шартнома тузди. Биргина Венгриядаги «Шкала Уорлд Трайд» фирмаси билан бир ярим миллион сўмлик мол айирбошлаш тўғрисида шартнома тузилди. Шартномага мувофиқ шериклар Самарқанд Марказий универсал магазинига турли хил саноат моллари етказиб берадилар. Бунинг эвазига Самарқанд корхоналарида тайёрланган хом ашё юборилади.

Венгриялик шериклар самарқандликлар билан ўзаро алоқани янада кенгайтириш ниятида эканликларини билдирмоқдалар. Шу мақсада улар Самарқанд Марказий универсал магазинининг бўлимлари билан кенгроқ танишдилар.

Суратда: (чапдан ўнгга) Самарқанд универсал магазини директорининг ўринбосари Баҳриддин Хўжаев, «Шкала Уорлд Трайд» фирмасининг савдо алоқалари бўлимининг директори Эмри Миклош, фирма бўлимининг бошлиғи Орбан Ильдико, «Разноэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси «Совинторг»нинг катта иқтисодчиси Марина Федулова Самарқанд универсал магазинининг бўлимларидан бирида.

Р. Ғофуров сурати, (ЎзТАГ).

ЧОРПОЯ

Ҳажвия

Кенг чорпоя устига чордона қуриб ўтириб дам олганга, ёнбошлаб мазза қилиб ишлаганга нима етсин. Аммо чорпоядан кўра... автомобиль олиш қулайроқ эканлигини ўша кезларда қаёқдан билибман.

Ишчилар шаҳарчасидаги маиший хизмат комбинатининг директори ҳузурига кирдим.

— Чорпоя? Ўзимизча айтганда, «сўрими»? — деди директор. — Э, бу турганбитгани даҳмаза.

— Нимаси даҳмаза?—ҳайрон бўлдим мен. — «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бор-йўғи «тўрт» оёққа ўрнатиладиган супа» деб таърифланган жўнгина...

Бошлиқ менга аталадан суяк чиққандай, шубҳа билан бошдан оёқ разм солиб қаради.

— Ҳм... «Тахта супа» денг. Ариза ёзганмисиз?

— Ариза? Чорпояга — ариза?

— Ҳа, а-ри-за!

Хуллас, апил-тапил ариза ёздим-у, бош муҳандис (инженер), иқтисодчи-муҳандис, технолог-муҳандис, ҳисобчи (калькулятор), бош бухгалтер ва яна аллакимларга қўл қўйдириб, тағин бошлиқнинг олдига кирдим.

— Чизмаси қани буни? — деди бошлиқ дабдурустдан.

— Йў-ўқ, таҳсир директор, Сиз тушунмаяпсиз, чамамда. Менга чизма эмас, оддий чорпоя керак... Оддий...

— Чорпояга чизма керак, — деди у гапимни чўрт кесиб.

Тушундимки, чизмасиз бу нарсани ясаб бўлмайди.

— Хўп, чизмани қаёқдан оламан? — сўрадим ундан қўрқа-писа.

— Чизмани чизмакаш инженер чизади, — жавоб қилди у. — Бир ой кутасиз.

— Нима-а? Каравот турбогенератор эмаски, суратини бир ой чизилса!

— Бўлмаса ўзингиз ўннаб кўринг.

«Оббо қаёқданам шу зормандани ҳавас қилдим-а. Нотавон кўнгилга қўтир жомашов...»

Қўшнимникига кириб, қўлимда қалам-қоғозларим билан ҳовлининг ўртасига ўрнатилган кунгурадор темир каравотга разм сола бошладим. Устига чиқиб кўрдим, остига энгашиб қарадим, ёнверидан мўлжалга олдим, супасининг баландлиги-ю кенглигини ўлчадим... Бир вақт қарасам, кайфи учган қўшним менга жовдираб қараб турибди. Ҳайрон. Муддаони айтувдим, «ҳа-а...» деди-ю, бўшашиб уйига кириб кетди.

Мана, чизма ҳам тайёр бўлди. Комбинат бошлиғи қоғозга қаради-ю, энсаси қотди.

— Бўлмайди, — ғудранди у. — Тўрттала оёғига ишлатиладиган трубанинг диаметрини кўрсатмабсиз. Неча миллиметрли трубадан ясатмоқчисиз бу қуриб кеткурни?

— Сўри ясайдиган уста унинг оёқларига поезднинг рельсини келтириб ўрнатмайди-ку, таҳсир. Қанақа труба кераклигини билар ахир?

— Билмайди. Технолог-инженерга бориб, миллиметрини аниқлаб келасиз.

Ёшгина технолог муҳандис қиз масалани тушунгач, елкасини қисди.

— Афсуски, мулла ака, шу нарсани билсам, бу ерда ўлтирармидим? Мен самолётсоз инженерман, чорпояни билмайман. Мана «Ил-86» десангиз, чизиб беришим мумкин. Мабодо самолёт керак эмасми сизга? — деб маъноли илжайди суҳбатдошим.

— «Ана холос! — ўйладим ичимда. — Тайёрасоз муҳандис аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида чивин қўриб ўтирибди. Ажабмас, авиаконструкторлик бюросида бирон маиший хизмат муҳандиси бармоғини тишлаб ўтирган бўлса?..»

Чизмакаш техникка учровдим, у бир лаҳзада аллақандай рақамларни ёзиб-чатиб берди ҳайтовур.

Яна бошлиққа рўпара бўлдим. Рақамларни кўриб, директорнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Неча киши ўлтиради шу каравотда? — сўраб қолди без бўлиб.

— Нимайди?.. Ўзим, хотиним, ўғил-қизлар, неваралар... Жами ўн-ўн беш кишилар атрофида...

— Агар сўрининг оёқларини бу ерда кўрсатилган чимчилоқдай трубачалардан ясалса, биласизми?.. Каравотнинг устига иккита одам чиқиши билан «авария» бўлади. Тушундингизми? — деди у зарда билан. (Гўё буни бутун комбинат аҳли, ўнлаб муҳандислар, техник, иқтисодчи, бухгалтер ва яна аллақандай касб эгалари эмас, мен «тушунишим» керак!)

Директор хонасида мазкур «проблема» юзасидан кенгайтирилган кенгаш чақирилди ва... нақ икки соатлик узоқ муҳокамадан сўнг, ниҳоят, трубанинг ҳажми аниқлангандай бўлди.

«Хайрият-эй» Лабимга эндигина енгил бир табассум инган эди... Яна эътироз туғилди:

— Аммо бунақа йўғонликдаги труба бизда йўқ...

— ?...

— Кутасиз, — деди пинагини бузмай бошлиқ.

Назаримда, у мени роса кифтини келтириб лақиллатаётган эди. Бу директор халқини уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса... Ўзинг балога қоласан.

Қўйингки, шу зайлда уйим билан комбинат ўртасида бўзчининг мокисидай қатнайверди, йил бўйи орзиқиб кутилган меҳнат отпускаси ўтиб кетди. Чорпоя битмади.

Бир куни тоқатим тоқ бўлиб, Чуқурсойдаги ҳалиги комбинат тасарруфида бўлган устахонага бордим. (Илгарироқ бормайманми!) Устага учраб (у пешонасига ойнагини тираб, қандайдир асбоб ясаётган экан), унга ҳалиги чизмани узатдим.

— Бу нима? — ҳайрон бўлди у гоҳ менга, гоҳ қоғозга шубҳа билан қараб.

— Чизма. Темир чорпоянинг чизмаси. Чунончи, «Изоҳли луғат»нинг фалон бетида...

Уста ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Нима деяпсиз ўзи? «Луғат»? «Чорпоя»? «Чизма?» Қанақа чизма? Чорпояга чизма не ҳожат? Тавба... Жинни-пинни бўлганми одамлар!..

Уста нақ икки ой бадалида аранг қўлга киритилган, ҳозирги замон муҳандислик тафаккурининг маҳсули бўлмиш «чизма-ҳужжат»ни йиртиб-йиртиб ташлади.

Уч кун деганда чорпоя тайёр бўлди. Мана, ҳозир ўша «тахтиравонда» ўтириб, ўйга толдим... Ё жаббор! Оддий темирчи, мисгар, қолипловчи, тунукасоз, чорпоясоз, панжарасоз, ғишт терувчи, сувоқчи устанинг бошида... бутун бошлиқ корхоналар, комбинат, бошқарма, министрлик, трест... Қанчадан-қанча бошлиқ, министр, директор, раис, котиб, эшикбон, ёрдамчи, референт, ўринбосар, тармоқ бўлим ва бўлимчаларининг мудирлари... Сонсаноқсиз.

Танг қолиб кетасан киши. Қўтир эчкингизга оғилхона, тўртта товуғингизга катак қурмоқчи бўлсангиз... ариза, рухсатнома, ҳар хил техникавий ҳужжатлар, муҳр, минг хил ҳисоб-китоблар талаб қилинади. Биргина мен кўрган район маиший хизмат комбинатида шунча ғалва. Шаҳарлар, областлар, юзлаб районлар, республика миқёсида олиб қаралса, мингминглаб керак-нокерак маъмурий-тўрачилик муассасаларида ўзимиз тайёрлаган «юқори малакали», «қўлбола» мутахассислар тиқилиб кетган. Уларнинг баъзилари ўша чорпоя, молхона, товуқнинг катаги, печканинг мўриси, ботинканинг пошнасини ремонт қилиб беришга ярасалар ҳам майлийди!

Бу гапларни ўқиётган газетхон ҳайрон бўлар: чорпоянинг инчунин, олий таълимга, ёзув-чизув, ижодий ишга қандай алоқаси бор?

Гап шундаки, политехника институтини тугатиб, маиший хизмат комбинатида ўтирган ҳалиги тайёрасоз муҳандисга зарда қилиб:

— Оддий трубанинг диаметрини қўйиб беролмасангиз, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деганимда, у ҳам менга шундай савол берган эди:

— Ўзингиз ҳам туппа-тузук институт домласи экансиз, шогирдларингиз гапнинг эга-кесимини бехато топа оладими?

Жаҳл устида: — Ҳа, топа олади! — девдим-у, ўйланиб қолувдим...

Ҳозир ўша куйдиргижон чорпояда ишлаб ўтирар эканман, бояги қитмир савол ёдимга тушиб кетди.

— Дарвоқе, юзлаб, мингларлаб ҳаётга узатган шогирдлар! Эсон-омон юрибсизларми, қароқларим? Гапнинг эгасини — эгага, кесимини — кесимга бехато ажратяпсизми? Ёки сизлар ҳам боягидай... Эгасини — кесимига, кесимини — эгасига бериб юбораётган бўлманг тағин?..

Ғайбулла САЛОМОВ

БИР СУРАТ ТАРИХИ

• ЭСДАЛИК

● Редакциямизга дароз бўйли, ёши улуғ бўлса-да, тетик ва бардам бир киши кириб келди. У ўзини кекса спортчи деб таништирди. Уруш ва меҳнат ветерани Абрам Бобоев ўтмишда ажойиб велосипедчи, моҳир мотоциклчи бўлган экан. Қўлимизга иккита сурат тутқазди. Уларнинг бирида навқирон йигит пойгачилар велосипеди рулини маҳкам тутиб турарди. Иккинчи суратда эса... келинг, яхшиси бу ҳақда унинг ўзидан эшитайлик:

...Улуғ Октябрь инқилоби пайтида беш ёшли болакай эдим. Фарғонада ипакчилар ойласида камол тондим. 1934 йили Ўрта Осиё ипакчилик институтини муваффақиятли тугатиб, мутахассислигим бўйича ишлай бошладим. Велосипед пойгасига бўлган ихлос менга тинчлик бермасди. Кўча-кўйда велосипед миниб, тез ҳайдаш ҳаддисини олгандим. Фарғона шаҳар Совети биринчилиги учун мусобақада юқори натижа кўрсатиб, мутахассислар эътиборини қозонганман. 1937 йили сентябрь ойида Ўзбекистон бўйлаб велосипедда пойга ўтказилди, Қирғизистон ва Тожикистон йўллари бўйлаб жами 1293 километр йўл босишга тўғри келди. Натижа ёмон бўлмади. Эришилган ғалаба Ўзбекистон Совнаркоми ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг эсдалик ов милтиғи ва ёрлиғига лойиқ кўрилди.

Бора-бора велосипедда учиш тезлиги кам кўринди, мотоцикл ҳайдай бошладим. 1938 йили кузда Ленин комсомолининг 20 йиллигига бағишланган мамлакат биринчилигида иштирок этишга тўғри келди. Мусобақа Украина пойтахтида бўлиши керак эди. Пойгачилар рўйхатида мен ҳам борман-ку, лекин бир оз англашилмовчиликлар бўлди. Чунончи, Тошкент автомотоклубига келганимда: «Сенинг мотоциклинг, йигитча, пойгага ярамайди. Бонси двигатели созланмаган, катта пойгага қўйишмайди», деган гап бўлди. Нима қилиш керак? Ихтиёримда бир кечаю-кундузлик муҳлат бор. Қараб ўтирмадим. Фарғонага жўнадим. Албатта, ҳамма нарсага улгурдим. Менга нега бундай муомала қилишгани сабабини Киевга борганимда англадим. Маълум бўлишича, республика терма командаси аъзолари рўйхати тасдиқланиб, мен учун ўрин қолмаган экан.

У ҳолда бундай оворагарчиликка нега йўл қўйишди экан?! Лекин пойгада иштирок этмай қайтиш, мен учун азоб эди. Бўш келмадим. Мусобақа бош судьяси, машҳур учувчи Валерий Чкаловга бор гапни ёздим. Эртаси куни мусобақа олдидан Валерий Павлович ҳамма пойгачиларни саф тортишга буюрди.

— Ўзбекистон спортчилари, сизларни орангизда Бобоев деган пойгачи борми?

— Шу ердаман, — дея бир қадам олдинга чиқдим.

— Ўртоқ Бобоев. Маълумотномангиз билан танишиб чиқдим. Табриклайман. Сиз бугунги мусобақада илк бор қатнашаётган пойгачилардан бирисиз. Ҳа, айтмоқчи, сиз кечани қаерда ўтказдингиз?

— Гаражда, мотоцикль ёнида, — дудуқландим мен.

Унинг чеҳрасига табассум югурди. Кейин, Киевдаги «Палас» меҳмонхонасидаги энг яхши жой берилишини илтимос қилди. Пойгачилар 200 нафардан кўпроқ эди. Уларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бор. Пойга йўли баланд-паст ва шўх оқар сойлардан ўтиб қийинчиликларга бардош берган, имкониятлардан тўлиқ фойдаланган пойгачигина маррада биринчи бўлиши мумкин эди. Ана шундай бахт менга насиб этган. Ғалабамдан қувонган Валерий Чкалов мени қутлаган экан, Фарғона водийсига, албатта, меҳмон бўлиб боришга ваъда берди. Афсуски, у орзусига етолмай қолди.

Ўша қувончли дамлардан бир эсдалик қолган. У ҳам бўлса, ўша моҳир учувчи билан биргаликда тушган суратим. Бу суратни ҳар гал қўлга олганимда бахтиёр ёшлик онлари яна бир бор жонланганидек бўлаверади.

А. БОБОЕВ,
уруш ва меҳнат ветерани

• *Ҳар тўғрида*

ЙЎЛБАРСЛАР ҲУЖУМИ

● ДАККА

Фақат кейинги вақтлардагина кам деганда уч киши Бангладеш жанубида бенгал йўлбарслари ҳужумининг қурбони бўлди. Сўнгги пайтларда йиртқич ҳайвонларнинг одамларга ҳамла қилиши сезиларли тарзда тез-тез содир бўлиб турибди, деб таъкидлайди ташвишланиб «Нью Нейшн» газетаси. Бундай воқеалар одатда чакалакзорларда юз бермоқда, бундан маҳаллий аҳоли жабр кўрмоқда.

Кўпгина мутахассислар кучли ва хавфли ҳайвоннинг «аёвсиз жангга» киришининг сабаби Сундарбан қўриқхонасидаги аввига чиққан браконьерликдир, деб ҳисоблашмоқда. Камёб ҳайвон чиройли териси учун отилмоқда, контрабанда йўли билан Сингапур, Гонконг ва жанубий-шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига олиб кетилмоқда, у ерда бу ҳайвонлар терисининг баҳоси бир неча минг долларга тенг туради.

(ТАСС).

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: КПСС тарихи, меҳнат муҳофазаси, фойдаланиш ишларини бошқариш (профессорлар ёки доцентлар),;
профессорлар: фойдаланиш ишларини бошқариш, электр машиналари ва электр асбоб-ускуналари;
доцентлар: темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика (0,5 ставка), вагонлар ва вагон хўжалиги, машиналарни конструкциялаш асослари, химия гидравлика ва «сув таъминоти ва канализация» ихтисоси бўйича сув таъминоти, тупроқ, замин ва фундамент механикаси» фанлари бўйича инженерлик иншоотлари ва геодезия, КПСС тарихи, «электр таъминоти системаларини автоматлаштириш» ихтисоси бўйича электр таъминоти ва микропроцессорли бошқариш, меҳнат муҳофазаси, локомотивлар (3), сиёсий иқтисод, қурилиш механикаси, қурилиш материаллари ва ишлаб чиқариш (2 «Қурилиш ишлаб чиқариши» ва «Қурилиш материаллари» ихтисоси бўйича), физика (2), фалсафа ва илмий коммунизм, маблағ билан таъминлаш ва ҳисоб-китоб, фойдаланиш ишларини бошқариш (1,5 ставка); электр машиналари ва электр асбоб-ускуналари, электр таъминоти ва юксак кучланиш техникаси ва электротехника материаллари» ва «электрлаштирилган темир йўлларда электромагнит мувофиқлиги», «экономика ва транспортни бошқариш» ихтисосликлари бўйича микропроцессорли бошқариш (4), тиллар (2 — «рус тили» ихтисоси бўйича), темир йўл транспортида симли алоқа;
катта ўқитувчилар: олий математика, «Тупроқ механикаси, замин ва фундамент» механикаси ва «Темир йўлларда кўприклар ва иншоотлар» ихтисослиги бўйича инженерлик иншоотлари ва геодезия (2), темир йўл транспортида симли алоқа, электр таъминоти ва «электрлаштирилган темир йўлларни электр билан таъминлаш» ихтисоси бўйича микропроцессорли бошқарув тиллар (3 — «рус тили» ихтисоси бўйича 2, «француз тили» ихтисоси бўйича — 1).

Ассистентлар: темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика, вагонлар ва вагон хўжалиги, олий математика (3), ҳисоблаш техникаси, планлаштириш ва бошқаришнинг математик усуллари (3), меҳнат муҳофазаси, қурилиш материаллари ва «қурилиш ишлаб чиқариши» ихтисоси бўйича ишлаб чиқариш, локомотивлар, снёсий иқтисод, темир йўл транспортида симли алоқа, фойдаланиш ишларини бошқариш, электр машиналари ва электр асбоб ускуналари, «рус тили» ихтисоси бўйича тиллар, локомотивлардан фойдаланиш ва уларнинг ремонти.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

Ашхобод филиали бўйича: олий математика, графика, физика.

Душанба ўқув-консультация пункти бўйича: графика бўйича катта ўқитувчи.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

Бутуниттифоқ энергетиклар ва электротехниклар илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон правленияси, «Энергонадзор» корхонаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти ва Ўзбекистон ССР Госпланининг республика илмий-техника изланишлари илмий-тадқиқот институти

(ЎзНИИНТИ)

ВОЛГАРИЯНИНГ «САНОАТ ЭНЕРГЕТИКАСИ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА
6-8 ИЮНЬ КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДА

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мажлислар залида
(Хоразм кўчаси, 6-уй)

Ўзбекистон халқ хўжалиги ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни иқтисод қилиш бўйича

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЕЧИМЛАРИ ЯРМАРКАСИ ВА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗАДИ.

Ярмарка-семинарда республика саноатининг барча соҳалари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек айрим ечимлар ва таклифларнинг муаллифлари қатнаша олишлари мумкин.

Барча ҳоҳловчиларни ярмарка-семинарида қатнашишга таклиф қиламиз.

Справкалар учун телефон — 33-11-66.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ЎЗБЕК ТИЛИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири (фан доктори ёки фан кандидати);
доцентлар (фан кандидати — 2 ўрин);
катта ўқитувчилар (2);
ўқитувчи.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольтний массиви, 123«а» уй.

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
3 ВА 10 ИЮНЬ СОАТ 14.00 ДА
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Программадан техникум лабораториялари ва кабинетлари бўйлаб экскурсия, етакчи мутахассислар билан суҳбатлар ўрин олган.

Очиқ эшиклар кунига 8 ва 10-синфларни тамомлаган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари таклиф қилинадилар.

Янгилиш жойи — техникумга кираверишда

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10-троллейбус; 18, 44, 48, 97-автобуслар 10, 19, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекати).

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси Д. Турсуновага отаси, Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Омон Нодирович ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли «Узавтострой» трести коллективи Қашқадарё область хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси бошлиғи С. Х. Ҳайриллаевга онаси

Фотима КОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки правленияси СССР Жамғармалар банкининг Сирдарё область бошқармаси бошлиғи А. Қ. Қобиловга отаси

Қобил НОРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узобувьторг»нинг Тошкент область улгуржи савдо базаси коллективи база директори З. Файзиевга отаси, Республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Омон Нодирович ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р—11010. Б. — 130. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12